



## ЎЗБЕКИСТОН — БАА ДЎСТЛИК ВА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумат ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Гаргавий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида вазир давлатимиз раҳбарига БАА Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён, мамлакат Бош вазири, Вице-президенти ва Дубай Амири Шайх Муҳаммад Ол Мактум ҳамда Вице-президент Шайх Мансур Ол Наҳаённинг самимий саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни, аввало, давлат бошқаруви самардорлигини ошириш ва ушбу соҳада амалга ошириладиган ислохотлар натижадорлигини таъминлаш борасидаги ишларни янада кенгайтиришнинг долзарб масалаларини кўриб чиқилди.

Ўзбекистон — БАА дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари жадал ривожланиб, устувор йўналишларда амалий ҳамкорлик мустаҳкамланаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Давлат хизмати механизмларини такомиллаштиришнинг 10 та асосий йўналиши бўйича ҳамкорликни назарда tutuvchi кўшма “йўл харитаси” изчил амалга оширилмоқда. БААнинг бюрократияни қисқартириш соҳасидаги илгор тажрибаси жорий этилмоқда. Тегишли дастур доирасида лойиҳа офиси ишга туширилди.

Ҳозирга қадар қарови бир миллиондан

ошган “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” таълим дастурини амалга ошириш натижалари ҳам эътироф этилди.

Умуммиллий китобхонлик ҳаракатини биргаликда йўлга қўйиш режалари кўриб чиқилди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва камол топтиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш, кўшма тараққиёт форумларини ўтказиш ҳамда Ўзбекистон ривожига хизмат қилувчи стратегик ва концептуал ҳужжатларни тайёрлашни илгари суриш бўйича келишувга эришилди.

ЎЗА

## МАЪРИФАТ, МУТОЛАА ВА ТЕРАН ТАФАККУР ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҚУДРАТИГА АЙЛАНМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Халқаро конгресс марказида Ўзбекистонда китобхонликни ривожлантириш бўйича умуммиллий ҳаракатга старт бериш маросимида иштирок этди.



Тафаккур — инсонга тортиқ этилган энг бебаҳо неъмат! Замонавий гаджетлар, айниқса, сунъий интеллект унинг нақадар қадри эканини яна бир қарра исботламоқда. Шундан ташқари ўзгариб бораётган дунёда яшаб биялмизми, дунёда етакчилик қилиш, эркин ва фаровон яшаш кафолати айнан тафаккур, фикрлаш тарзи билан боғлиқ.

Янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг илк кунларидаёқ, ҳали ҳаётимизга сунъий идрок кириб келишга улгурмаган паллада барчанинг китоб билан дўст бўлиши зарурлиги айтилган эди. Ўз вақтида илгари сурилган ташаббус қисқа муддатда амалий

ҳаракатга айланди. Юртимизда китобхонлик борасида ўзига хос тарғибот бошланди. Зеро, китобхонлик фақат таълим масаласи эмас, балки миллат келажаги, халқимизнинг маънавий қудрати, мамлакат рақобатбардошлигини таъминлайдиган муҳим омил экани ўша пайтдаёқ ҳисобга олинган эди. Бугун мутлолаа маданияти ва китобга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

— Китоб ўқийдиган одам теран ва соғлом фикрлайди. Бундай тафаккурга эга инсон эса жамиятни ўзгартира олади, — деди Президентимиз.

Давоми 3-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 май куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Турли даражалардаги самарали алоқалар мамнуният билан қайд этилди. Парламентлараро, ишбилармонлик ва маданий-гуманитар алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Товар айирбошлаш ҳажми барқарор ўсиб бормоқда, йил бошидан буён 23 фоизга ошди. Саноат, энергетика, транспорт ва бошқа муҳим соҳаларда, шу жумладан, минтақалар даражасида йirik кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

ЎЗА

## ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ СУДЬЯЛАР КЕНГАШЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ IV ЙИГИЛИШИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Авваломбор, сиз, азизларни туркий цивилизациянинг қадимий марказларидан бири бўлган кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида чин дилдан табриклардан бахтиёрман.

Ҳеч шубҳасиз, ушбу йиғилишнинг доимо адолат тамойилларига таяниб иш юритган Соҳибқирон Амир Темури салтанатининг пойтахтида, ул зотнинг 690 йиллик қутлуг

таваллуд санаси халқаро миқёсда кенг нишонланаётган кунларда бўлиб ўтаётгани анжуманга алоҳида шукӯҳ бағишламоқда.

Жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи тобора ортинг бораётган Туркий давлатлар ташкилотининг бугунги кунда туркий бирлик ва тараққиёт борасида муҳим роль ўйнаётгани барчамизга юксак гуруру ва ифтихор етказди.

Давоми 2-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### МУБОРАК ҚУРБОН ҲАЙИТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АҲОЛИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА МЕҲР-САХОВАТ ТАДБИРЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

Халқимизга хос меҳр-оқибат, инсонпарварлик, шукроналик, саховат ва бағрикенглик каби эзгу фазилатларни муҳасам этган муборак Қурбон Ҳайитини муносиб нишонлаш, ушбу қутлуг айёмда аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида қарор қиламан:

1. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик), Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий ва маънавий ҳаётни ривожлантириш бўйича умуммиллий ҳаракатга старт берилмоқда. Ҳаммамизга маълумки, дунё шиддат билан ўзгариб бораётган таълим ва сунъий интеллект тобора чуқур кириб келмоқда. Инсон онги ва қалбини бошқаришга қаратилган босимлар кун сайин кучаймоқда. Лекин бир ҳақиқат борки, у ҳеч қачон ўзгармайди. Яъни китоб ўқийдиган одам теран ва соғлом фикрлайди. Бундай тафаккурга эга инсон эса жамиятни ўзгартира олади.

Сунъий интеллект асрида одамзоднинг энг катта устунлиги — мустақил фикрлай олиш қобилиятидир. Китоблар бу йўлда

Давоми 3-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “СИФАТЛИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ” ДАСТУРИ БЎЙИЧА ФОРУМ ВА ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Ҳурматли Муҳаммад ал-Гаргавий жаноблари!

Авваломбор, барчангизни “Сифатли давлат бошқаруви” дастури доирасида ўтказилаётган бугунги муҳим тадбир ва тақдирлаш маросими билан самимий кутлайман.

Янги хабардорсиз, мамлакатимизда олиб бориладиган ислохотлар марказида инсон қадрини улғушлаш, аҳоли ва тадбиркорлар учун муносиб шароитлар яратиш асосий ўрин эгаллайди. Сўнгги 10 йилда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши лозим”, деган олижаноб фалсафани давлат сиёсати даражасига кўтардик.

Бошқарув соҳасида аҳоли учун самарали тизим яратмасдан туриб, ҳеч бир йўналишда қўтилган натижага эришиб бўлмайди.

Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МИЛЛИЙ КИТОБХОНЛИК ҲАРАКАТИ БОШЛАНИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли тадбир қатнашчилари! Ҳурматли Муҳаммад ал-Гаргавий жаноблари!

Азиз ёш китобхонлар! Бугун мамлакатимиз ҳаётидаги яна бир унутилмас тарихий воқеа — Ўзбекистонда китобхонликни ривожлантириш бўйича умуммиллий ҳаракатга старт берилмоқда.

Ҳаммамизга маълумки, дунё шиддат билан ўзгариб бораётган таълим ва сунъий интеллект тобора чуқур кириб келмоқда. Инсон онги ва қалбини бошқаришга қаратилган босимлар кун сайин кучаймоқда. Лекин бир ҳақиқат борки, у ҳеч қачон ўзгармайди. Яъни китоб ўқийдиган одам теран ва соғлом фикрлайди. Бундай тафаккурга эга инсон эса жамиятни ўзгартира олади.

Сунъий интеллект асрида одамзоднинг энг катта устунлиги — мустақил фикрлай олиш қобилиятидир. Китоблар бу йўлда

энг яхши дўст ва бегараз кўмакчи ҳисобланади.

Биз Янги Ўзбекистонда мутлолаа маданиятини, китобга бўлган эътиборни давлат сиёсати даражасига кўтаришимиз. Китобхонлик бу — фақат таълим масаласи эмас, балки миллатимиз, халқимизнинг келажаги, мамлакат рақобатбардошлигини таъминлайдиган бекиёс маънавий кучдир.

Улғ аждодларимиз — Имом Бухорий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий ва Мирзо Улуғбек сингари мутафаккир зотлар инсоният цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшганлар. Уларнинг ҳар бири китоб мутлолаа қилиш орқали юксак марраларга эришганлар. Шу маънода, Алишер Навоий бобомизнинг “Китоб — бемианнат устоз, маънавий юксалишнинг асосий манбаи”, деган сўзларида чуқур маъно муҳасам.

Давоми 2-бетда

## ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Терма жамоа аъзолари! Қадрили устоз ва мураббийлар! Футболимиз фахрийлари!

Барчангизни катта футбол байрами — АҚШ, Мексика ва Канада майдонларида бўладиган жаҳон чемпионати олдидан соғ-саломат ва яхши кайфиятда кўриб турганимдан хурсандман.

Биз бу кунларни бутун халқимиз, футбол ишқибозлари билан 34 йил кутдик. Шу маънода, футболчиларимизни Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очган замонамиз қаҳрамонлари деб айтсак арзийди. Чунки улар ҳар бир ўйинга юқори тайёргарлик кўриб, юксак масъулият, ватанпарварлик руҳи билан фақат галаба учун майдонга тушди. Халқимизга олам-олам қувонч бағишлади.

Тўғриси айтсам, муңдиал йўлнамаси кўлга киритилган кунни кўзимга уйқу келмади. Барча юртдошларимиз каби мен ҳам ич-ичимдан қувондим, байрам қилдим.

Фурсатдан фойдаланиб, майдонда жасорат ва маҳорат кўрсатган футболчиларимизга, уларни тарбиялаб, вояга етказган ота-оналарига, устоз ва мураббийларига ташаккур изҳор этаман.

Бугунги учрашувимизда таниқли шоир, адиб ва санъаткорларимиз ҳам иштирок этипти. Улар майдонда жасорат ва матонат кўрсатган футболчиларимиз ҳақида янги шеър ва асарлар ёзипти, қўшиқ ва мадҳиялар яратипти.

Тадбиркорларимизни айтмайсизми, улар ҳам аллақачон ҳаракати бошлаб юборган. Бизнес вакиллари сизлар орқали миллий “бренд”ни дунёга танитапти, янги бозорларга чиқаяпти.

Давоми 2-бетда

## ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИНИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ТАНТАНАЛИ КУЗАТИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли юртдошлар!

Азиз футбол мухлислари! Барчангизни бугунги файзли оқшомда ўтказилаётган катта футбол байрами билан табриклайман.

Бугун — ўзбек футбол учун яна бир тарихий кун. Катта ишонч ва эзгу тилаклар билан миллий терма жамоамизни АҚШ, Мексика ва Канада майдонларида бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатига кузатами.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга мана шундай унутилмас кунларни тақдим этган маҳоратли футболчиларимизга, уларни тарбиялаб, вояга етказган ота-оналарига, устоз ва мураббийларига, терма жамоамизнинг барча аъзоларига бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Қадрили дўстлар! Сизларнинг миллий жамоага бўлган

меҳрингиз ва садоқатингиз ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Иссиқни иссиқ демай, ёмғирни ёмғир демай, галаба онларида ҳам, қийин давларда ҳам футболчилар билан бирга бўлиб, ҳақиқий ватанпарварлик намунасини кўрсатиб келаясиз. Бунинг учун стадионни тўлдириб ўтирган мухлисларга, сизлар орқали футболсевар халқимизга алоҳида раҳмат айтаман.

Бугун стадионда фан-клубларимизни ҳам кўриб турибман. Улар терма жамоа ўйинларини нафақат трибунадан кузаяпти, балки футболчилар билан бирга курашапти, футболнинг ичида яшааяпти.

Фан-клублар аъзолари ҳар бир ўйинда чин ўзбекона, бетакрор услуби билан ўн иккинчи ўйинчи вазифасини муносиб бажариб келаяпти, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам фикримга қўшиласиз.

Давоми 2-бетда

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “СИФАТЛИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ” ДАСТУРИ БЎЙИЧА ФОРУМ ВА ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

## Бошланиши 1-бетда

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда ушбу мамлакат билан давлат бошқаруви соҳасидаги ҳамкорлик мутлақо янги босқичга кўтарилди. Ўтган йилнинг ноябрь ойида “Бюрократияни баргараф этиш” ҳамда сўнгий интеллект бўйича нуфузли халқаро форумлари биргаликда юқори савияда ўтказдик. Шунингдек, давлат бошқарувида илгор тажриба алмашиш юзасидан ҳамкорлик келишувини имзоладик. “Сифатли давлат бошқаруви” дастури ана шу шериклиكنинг ёрқин амалии натижасидир. Ушбу дастури муваффақиятли йўлга қўйишда кўрсатган кўмаги учун Амриликлар раҳбарияти ва шахсан Гаргавий жанобларига самимий миннатдорлигини билдираман.

Хурматли тадбир қатнашчилари! Бугунги тақдирлаш маросимини Президент даражасида ўтказётганимиз бежиз эмас, албатта. Бу ерда фақат голибларни эътироф этиш билан чекланиб қолмасдан, самарали бошқарувнинг аҳамияти қанчалик муҳим эканига яна бир бор диққатингизни қаратмоқчиман.

Вазирлик ва агентликлар, кўмита ва инспекциялар фаолиятини холис баҳолаш, уларнинг аҳоли олдидagi масъулиятини янада ошириш энди доимий эътиборимизда бўлади. Бундан буён “жараён учун” эмас, “натيجا учун” ишлаш тамойили идоралар фаолиятида асосий мезонга айланади.

Шу нуқтага назардан, “Сифатли давлат бошқаруви” дастури мутлақо янги бошқарув маданияти ва дунёқарашни шакллантиришга қаратилган ислохотдир. Ушбу дастур давлат идоралари фаолиятини холис баҳолаш, уларнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш, энг илгор тажрибаларни кенг оммалаштириш ҳамда соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашни кўзлайди.

Жорий йилнинг январь-апрель ойларида дастур доирасида давлат идоралари фаолияти, бошқарув сифати ва раҳбар кадрларнинг етакчилиги қобилияти халқаро экспертлар ҳамда маҳаллий мутахассислар томонидан баҳоланди.

Танловда республика миқёсидаги 40 та идора ва уларнинг ходимлари иштирок этди. Бугун қайси давлат идоралари юқори натижага эришганига барчамиз гувоҳ бўламиз.

Мисол учун, Адлия вазирлиги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича энг намунали вазирлик номинациясида голиб деб топилди. Вазирлик қисқа вақт ичида замонавий, очиқ ва рақамли адлия институтига айланди. Бугунги кунда вазирлик 30 та платформа орқали тўлиқ рақамлаштирилган 380 та хизматни кўрсатмоқда. 780 дан ортиқ хизматдан онлайн фойдаланиш мумкин. 208 та давлат хизматлари марказидан иборат тармоқ бутун мамлакатимиз бўйлаб ягона стандартни таъминламоқда.

Тог-кон саноати ва геология вазирлиги ресурсларини бошқариш бўйича энг намунали вазирлик сифатида эътироф этилди. Мазкур идора масъулиятли, шаффоф ва тежамкор хўжалик юритишининг ёрқин намунасига айланди. Ажратилган ҳар бир сўм янги конларни қидириб топиш ва соҳани ривожлантиришга сарфланди. Геология-қидирув ишларида сув сарфи 20 фоизга қисқартирилди. Бюджет режалари 2025 йилга қадар олдидан тузиб чиқилган. Асосий кончилик ускуналари маҳаллийлаштириш даражаси 84 фоизга етказилди.

Давлат хизматларини кўрсатишдаги ижобий натижалари учун Ички ишлар вазирлиги энг намунали деб тан олинди. Бугунги кунда вазирлик 60 га яқин хизмат турини кўрсатётган бўлса, уларнинг 95 фоизи тўлиқ рақамли шаклда тақдим этилаётгани диққатга сазовор. Илгари тарқоқ бўлган 72 та маълумотлар базаси ягона “Хавфсиз шахар” тизимига бириштирилиб, унга 14 та бошқарув маркази ва 20 дан ортиқ вазирлик уланган. Ўтган йили 148 мингдан ортиқ маъмурий иш масофавий тарзда кўриб чиқилди ва одамларнинг идорама-идора сарсон бўлишига йўл қўйилмади. Вазирлик замонавий давлат хизматлари инсон учун яратилган қулайлик билан ўлчанишини амалда кўрсатмоқда.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Ушбу танловнинг бош мақсади — кимнидир макташ ёки танқид қилиш эмас. Энг муҳими, бу жараён давлат идораларига ўз фаолиятига четдан туриб холис назар ташлаш, камчиликларни баргараф этиб бориш имконини беради.

Шунингдек, танлов доирасида, Тог-кон ва геология вазирлиги бошқарма бошлиги Мақсуд Боллбеков энг намунали раҳбар ходим; Олий таълим, фан ва инновациялар

вазирлиги бўлим бошлиғи Фазлиддин Мўминов энг намунали маъмурий ходим; “Ўзатом” агентлиги бош мутахассиси Шохмирзо Умаров энг намунали мутахассис ходим; Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири маслаҳатчиси Умматой Йўлдошева энг намунали аёл ходима; Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги лойиҳа офиси раҳбари Акбархон Собирхонов энг намунали истеъдодли ёш ходим; Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи Мирсаид Раҳматов инсон ресурслари бўйича энг намунали ходим сифатида голиб бўлдилар.

Хозир эътироф этилган барча голибларнинг лавозимларини бир поғона кўтариб, раҳбар кадрлар захирасига киритсак, ўйлайманки, бу ҳам адолатли иш бўлади. Уларнинг теран фикрлаши, ўз устида доимий ишлаши, меҳнат фаолиятига инновацион ёндашувларини жорий қилиши бошқарув учун ўрнатқ бўлмоғи лозим.

Бугунги тадбирда яхши натижа кўрсатганларни эътироф этилди. Бироқ келгуси сафардан бошлаб рўйхатнинг охирида қолган давлат идоралари номини ҳам очиқ айтаемиз. Фаолиятида жиждий камчиликлар кўзга ташланаётган, самарадорлик ва хизмат сифати бўйича оқсаётган ташкилотлар бундан ўзига жиждий хулоса чиқариши керак.

Энди “Сифатли давлат бошқаруви” дастури ҳар икки йилда ўтказилиб, келгуси босқичдан унда маҳаллий ҳокимликлар ҳам иштирок этади. Чунки ислохотлар натижаси, аввало, энг кўйи бугунда сезилиши керак. Содда қилиб айтганда, агар туман ёки шахар даражасида ўзгариш бўлмаса, ҳар қанча уринмайлик, ислохотларимиз кутилган натижани бермайди.

Қадрли дўстлар!

Бугун биз мамлакатимизда давлат бошқарувини такомиллаштириш борасида янги, замонавий босқични бошлашгами. Бу борада халқимиз ишонадиган ва инонадиган, инсон қадрини ҳар томонлама улуғлайдиган, оддий одамларнинг оғирини енгил қиладиган энг самарали давлат тизимини яратишга бундан буён ҳам асосий уруғу берамиз.

Ушбу йўлда барчамиз биргаликда қатъий ҳаракат қилсак, бор куч-ғайратимизни сафарбар этсак, кўзлаган банд марраларга албатта эришамиз.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, янги зафарлар ва фаровонлик тилаб қоламан.

## Бошланиши 1-бетда

Бугунги ёшларимиз ана шундай буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлишлари зарур. Бунинг ягона йўли — **билим, билим ва яна бир бор билим!**

Қадрли дўстлар! Биз халқаро майдонда қудратли ва юксак салоҳиятли халқ сифатида ўзимизни намоён этишимиз учун иккита мустаҳкам асосга таянишимиз лозим.

**Биринчиси — бебаҳо илмий ва маънавий меросимиз.**

**Иккинчиси — замонавий илм-фан ва илгор технологиялар.**

Ана шу манбаларни уйғунлаштириб, чуқур фикрлайдиган, билимли, ватанпарвар авлодни тарбиялаш — энг муҳим вазифамиз.

Мен давлат раҳбари сифатида ўз фаолиятини бошлаган дастлабки кунлардан бу масалага устувор аҳамият қаратиб келаяман. Шу мақсадда мамлакатимизда 2017 йилдан буён ўтказиб келинаётган “Ёш китобхон” танлови миллионлаб ёшларни китобга ошно қилди, уларда ўқишга меҳр ва рағбат уйғотди. “Ёш китобхон оила” танлови эса китобхонлик муҳитини ҳар бир оилага олиб киришга хизмат қилмоқда. Жорий йил бошда алоҳида қарор қабул қилиб, энг фаол китобхонларни қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйганимиз ушбу ишларнинг узвий давоми бўлди.

Хабарингиз бор, куни кеча “Ёш китобхон” танловининг навбатдаги республика босқичи якунланди. Унда юртимизнинг барча ҳудудларидан келган 42 нафар энг билимдон, зукко ўғил-қизларимиз ўз иқтидор ва салоҳиятларини тўлиқ намоён этди. Танлов якунларига қўра, Фарзона Носирова, Жасурбек Абдуғафоров ва Фазилат Диёрова голиб деб топилди. Улар хозир даврамизда ўтиришибди. Бугун голиблар кенг жамоатчилик иштирокида Президент совгаси — замонавий автомобиллар билан тақдирландилар. Уларнинг ютуғи ўзлари рағбат миллионлаб ёшларга ибрат ва катта қадри бўлди, десам, асло янглишмайман. Бундай китобсевар ўғил-қизларимизнинг сафи тобора кенгайиб бораётгани барчамизни чекисиз қувонтиради.

Фурсатдан фойдаланиб, мен бу китобхон фарзандларимизни, уларнинг устозлари ва

ота-оналарини чин қалбимдан табриклайман, барчаларига раҳмат айтаман.

**Иқтидорли, зехни ўткир, изланиш ва интилишдан тўхтамайдиган ёшлар — Янги Ўзбекистоннинг ҳақиқий таянчи ва сўянчидир.**

Биз ушбу танловларни ўтказиш бўйича мамлакатимизда катта тажриба тўпладик. Бу борада дунёдаги илгор анъаналарни ҳам чуқур ўргандик. Хусусан, Бирлашган Араб Амриликларни китобхонлик бўйича бутун дунёга ибрат намунаси бўлиб келмоқда. 2015 йилда Шайх Муҳаммад бин Рашид Ол Мақтум Ҳазрати Олийларнинг ташаббуси билан бошланган “Араб китобхонлик танлови” дастури бугунги кунда жаҳондаги энг йирик маърифий ташаббуслардан бирига айланди. Қисқа фурсат, атиги 10 йил давомида ушбу ҳаракат жаҳондаги 200 миллиондан ортиқ ўқувчиларни қамраб олди.

Давлатларимиз ўртасидаги яқин дўстлик ва стратегик шериклик доирасида бу эзгу ғояни бой маънавий меросимиз асосида юртимизда янги босқичга олиб чиқишга қарор қилдик.

Фурсатдан фойдаланиб, Амриликлар ҳукуматига ва ҳукумат ишлари бўйича вазири Муҳаммад ал-Гаргавий жанобларига самимий миннатдорлик билдираман.

Азиз фарзандларим!

Бугун сизлар билан китобхонликни умуммиллий халқ ҳаракатига айлантириш йўлида тарихий қадам қўймоқдамиз. Бошланаётган “Миллий китобхонлик ҳаракати” дастури аввалги ташаббусларимизнинг ажралмас қисми бўлади. Мен куни кеча ушбу дастури давлат миқёсида фаол қўллаб-қувватлаш учун алоҳида фармойиш имзоладим. Энди ҳар йили ушбу тадбирнинг финал босқичи Президент даражасида ўтказилади. Унинг умумий йиллик мукофот фонди 240 миң долларни ташкил этади. Бош соврин соҳибни 50 миң доллар билан тақдирланади. Бу — мамлакатимиз тарихида китобхонлик бўйича энг салмоқли мукофотдир.

Мазкур ҳаракат юртимизнинг барча ҳудудларини тўлиқ қамраб олади. Унда мамлакатимизнинг умумтаълим мактаблари, жумладан, 1-синфдан 11-синфга бўлган ўқувчилар учун иштирок этиш имконияти яратилади.

Қайси мактаб энг китобхон мактаб бўлади? Қайси ҳудуд энг фаол иштирок этади? Қайси ўқувчи 50 та китобни биринчи бўлиб ўқиб тугатади?

Шу саволлар юртимизнинг интилувчан ва заковатли ёшларини китоб деган мўъжиза атрофида бириштириши, уларнинг қалбида янги бунёдкорлик руҳини уйғотиши лозим. Мен барча мактабларда, умуман, жамиятимизда китобхонлик муҳити, соғлом онгу тафаккур устувор бўлишини истайман.

Юртимиздаги ўғил-қизларимиз орасидан келажакда буюк олимлар, ихтирочилар, шонир ва адиллар албатта етишиб чиқади. Мен уларга қарата айтмоқчиман: **ҳаётда юксак марраларга эришган инсонларнинг барчасида бир умумий фазилат бор — улар кўп китоб ўқиган, ҳар куни мутлола қилишган. Китоб уларнинг бир умрлик донишманд ва сadoқатли дўсти бўлган.**

Шу ўринда муҳтарам устозлар ва хурматли ота-оналарга ҳам мурожаат қилмоқчиман.

Қайси хонадонда китоб ўқилса, қайси оилада билим ва маънавият бўлади. Қайси жамият кўп ўрганса, изланса, ўша жамият албатта тараққий этади.

Мен ушбу дастури шушчаки китоб ўқиш мусобақаси эмас, балки жонажон Ватанимиз келажаги учун стратегик инвестиция деб биламан. Агар биз бугун болаларимизнинг қўлига яхши китоб берсак, эртага улар Янги Ўзбекистоннинг буюк келажакини барпо этишга албатта қодир бўлади. Шунинг учун барчангизни ушбу умумхалқ ҳаракатида фаол иштирок этишга қақрираман.

Қадрли ўғил-қизларим!

**Албатта, телефон тутуш осон, гаджетлардан фойдаланиш қулай. Бироқ китоб билан дўстлаган инсон ҳаёт йўлида узоққа боради. Китоб ўқиган ва ундаги эзгу маъноларни англаган миллат ҳеч қачон енгилмайди.**

Улуғ маърифатпарвар болаларимизнинг “Илмдан бошқа навоҳт йўқ”, деган ҳикмати сўзларининг маъно-маъмунини биз бутун мамлакат миқёсида ҳаётга таъбиқ этилди. Мен бу олижаноб гоя ҳар бир ўғил-қизнинг қалбидан чуқур жой олишини, ҳаётнинг олтин қондасига айланишини тилайман.

Барчангизни юртимизда ушбу муҳим тарихий ҳаракат бошлангани билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

## Бошланиши 1-бетда

Азиз фарзандларим, кўрянгисизларми, сизлар нафақат спорт ривожига хисса қўйяпсиз, балки тадбиркорларимизга янги имкониятлар эшигини очяпсиз, адабиди ва санъат аҳлига янги илҳом, янги рух ва қанот беряпсиз. Ёшларимизга ҳақиқий ўрнатқ бўлдингиз, “мен ҳам машҳур футболчи бўламан”, деган болажонларимиз сафи кўяйиб борапти. Кўп миллатли халқимиз сизлар билан доим фахрланади!

Қадрли дўстлар!

Албатта, ҳеч нарса ўзидан-ўзи бўлиб қолмайди, бундай ғалабаларга осонликча эришилмайди. Юртимизда спортга, хусусан, футболга қаратилаётган эътибор, яратилаётган шароитлар бу ютуқларга катта замин бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Сўнгги йилларда жойларда 200 дан зиёд йирик спорт иншоотлари, 4 мингта яқин хусусий спорт клублари иш бошлади, 1,5 мингдан ортиқ маҳаллада спорт майдончалари қуриб берилди, пойтахтимизда замонавий Олимпия шаҳарчасини барпо этидик, Юқори Чирчиқда “Миллий футбол маркази”ни ишга туширдик, ҳар бир вилоятда биттадан профессионал футбол академияси ва футбол мактабларини ташкил қилдик.

Ана шу ишларимиз хисобига ҳаваскор футболчилар сонин 5 миллионга етди, футбол билан мунтазам шуғулланувчилар 1 миллион 300 миңдан ошди, профессионал футболчилар эса 17 миңга етди. Энг асосийси, биз футболда коррупция, таниш-билишчилик деган иллатни йўқ қилдик. Очиқ ва шаффоф тизим яратдик. Бу — энг иқтидорли ёшларни, чинакам истеъдодларни катта майдонга олиб чиқди.

Мана, даврамизда футболбозлиги фахрийлари ҳам ўтирибди. Улар ҳам ўз маслаҳатлари билан бу ишларимизни қўллаб-қувватлашди, луода бўлишди. Сизларга ҳам катта раҳмат.

Азиз юртдошлар!

Биз учун футбол нафақат профессионал спорт тури, балки ёшлар тарбияси, соғлом турмуш, интизом ва ватанпарварлик мактаби бўлади. Энди юртимиздаги ҳар бир маҳаллага футбол нафаси кириб боради. Ҳар бир боллага ўз маҳалласида тўп тешиш, мусобақаларда қатнашиш, ўз истеъдодини кўрсатиш имконияти яратилади. Бунинг учун “**Ҳар бир маҳалла — футбол майдони**” дастурини бошлаймиз.

Бу — умуммиллий ҳаракатга айланади. Дастур доирасида “Маҳалла лигаси” ташкил этилиб, 12-17 ёшли ўғил-қизлар ўртасида маҳалла футбол жамоалари тузилади, ҳар йили ҳаваскор футболчилар иштирокида “маҳалла — туман — вилоят — республика” босқичларидан иборат мусобақалар ўтказилади.

Умуман, “Маҳалла лигаси” энг яхши иқтидорларни селекция қилишда профессионал клублар учун тайёр база бўлади.

Хурматли дўстлар!

Майдонда тўпни футболчи тепади, лекин ўйин услуби ва тактикаси мураббий белгилайди. Бугун терма жамоамиз билан

катта тажриба ва чемпионлик характериға эға Фабио Каннаваро бошчилигидаги мураббийлар штаби ишлаяпти. Биз Фабио Каннаварони футболчилик дарвидан яхши биламиз.

2006 йилда Германияда ўтказилган мундиалда Каннаваро сардорлик қилган Италия терма жамоаси жаҳон чемпиони бўлган. Уша йили Каннаваро дунёнинг энг яхши ўйинчиси деб эътироф этилган ва футбол тарихида “Олтин тўп” соҳибни бўлган кам сонли ҳимоячилардан бирига айланган. Зидан, Роналду каби замонавий футбол афсоналари ҳам Каннаваронини ўзларига қарши ўйнаган энг кучли ҳимоячи деб тан олган.

Каннаваронинг майдондаги ўйинни олдидан сезиш, ҳис қилиш қобилияти, тартиб-интизоми ва лидерлик хусусиятлари унинг мураббий бўлиб шаклланишига замин яратди. Фабио Каннаваро Ўзбекистонга энди келган кунларида жисмоний тайёргарлик ва интизом масаласига кўп тўхтаган эди. Шунинг учун футболдаги ҳар бир кичик деталга ҳам эътибор қаратиб, жисмоний тайёргарлик ва ҳужумчилар билан ишлайдиган мураббийларни, шифокор, нутрициолог ва ошпазларни олиб келди ҳамда халқаро тажрибага эға яхши жамоани шакллантирди.

Футболчиларимиз ўйинида кўряпмиз: тўғри позиция танлаш, юқори прессинг, тўп назорати, тежор қарши ҳужум каби футбол элементлари кўпайди. Миср, Эрон, Венесуэла ва Габонга қарши ўйинларда бунга барчамиз гувоҳ бўлдик.

Фурсатдан фойдаланиб, Фабио Каннаварони мураббий сифатида мундиалдаги биринчи иштироки билан табриклаб, мураббийлар штабига янги зафарлар тилайман.

Энди футболчиларга қарата айтмоқчиман: жаҳон чемпионатида осон ўйиннинг ўзи бўлмайди. Сизлар Португалия, Колумбия, Конго каби кучли терма жамоаларга қарши ўйнайсиз. Халқимиз ҳар бир ўйинда сизлардан ғалаба кутиши табиий, албатта. Лекин, бир ҳақиқатни доимо ёдда тутинг, сизлар тарихни аллақачон яратиб бўлдингиз!

Олдингида турган муҳим учрашувларда ортиқча босимсиз, ҳеч кимдан ҳайиқмасдан, борингизни бериб ўйнанг!

Ҳар бир тўп учун, ҳар бир вазият учун, майдоннинг ҳар бир қарчи учун охиригача курашинг!

Барча масъуларга, элчиларга топширик берганман. Мундиалдаги ҳамма ўйинларингизда фан-клублар аъзолари, минглаб футбол мухлислари, Америкадаги ватандошларимиз ҳам стадиондан сизларни қўллаб-қувватлаб туради.

Майдондаги ҳар бир ҳаракатингизни 40 миллионли халқимиз экран ортида катта ҳаяжон билан, ҳайқириб кузатади, юракларини жунбушга келтирадиган ҳиссиёт ва ҳаяжонга эға бўлади.

Ёдингизда бўлсин: эл-юртимиз сизларга ишонади, Президент сизларга ишонади!

Ҳар бир рақибга қарши мардонавор беллашиб, Ватан шафратини омонид ҳимоя қилинг!

Ғалаба ва омад сизларга ҳамиша ер бўлсин!

## Бошланиши 1-бетда

Ишончим комил, улар мундиалда ҳам минглаб юртдошларимиз, хориждаги ватандошларимиз билан бирга, худди ҳозиргидек гайрат-шижоат ва ҳайқирдиқлар билан футболчиларимизни қўллаб-қувватлашди.

Хурматли юртдошлар!

Юртимизда футбол аллақачон ҳар бир оиланинг дўстига айланиб улгурган, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Кўриб турибман, бугун ҳам кўпчилигингиз стадионга фарзанд ва набираларингиз билан келгансиз. Спортчиларимиз эришаётган ютуқлардан руҳланиб, уларнинг орасидан ҳам янги-янги чемпионлар албатта чиқади.

Янги Ўзбекистонда спортга қаратилаётган эътибор, ҳар бир ҳудудда бунёд этилаётган йирик спорт иншоотлари, жойлардан ташкил этилаётган профессионал футбол академиялари,

## Бошланиши 1-бетда

Муҳтарам дўстлар!

Туркий давлатлар ташкилоти фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш, самарали бошқарув ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари алоҳида ўрин тутади. Айниқса, дунёнинг геосиёсий харитасида тўп ўзгаришлар юз бераётган, қарама-қаршиликлар қўлами, низолар кучайиб бораётган хозирги мураккаб вазиятда ана шу масалаларни биргаликда муҳокама қилиш ва бу борада самарали ечимлар топши доллар аҳамиятга эгадир.

Албатта, мамлакатларимиз ҳаётда адолат ва қонун устуворлигини таъминловчи, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва кучли судьялар корпусини яратишда Судьялар кенгашларидан умидимиз катта.

Айни шу жиҳатдан қараганда, бугунги йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар Кенгашларнинг истиқболдаги фаолиятида янги йўналишларни белгилаб беради деб ишонаман.

яқинда иш бошлаган “Миллий футбол маркази” ёшларимиз янги-янги ютуқларни қўлга киритиши учун мустаҳкам замин бўлади.

Ўтган йили пойтахтимизда 100 гектардан зиёд майдонда 5 та йирик спорт мажмуасини ўз ичига олган Олимпия шаҳарчасини қуриб битказдик. Янги Тошкентда ФИФА стандартларига тўлиқ жавоб берадиган 55 миң ўринли муҳташам стадион қад ростламоқда. Бу стадион юртимиздаги миллионлаб футбол мухлислари учун катта совға бўлади. Бундай замонавий иншоотлар мамлакатимизда қўллаб нуфузли халқаро спорт мусобақаларини ўтказишга хизмат қилади. Спортчиларимизни янада улкан ва ёрқин ғалабалар сари етаклайди.

Қадрли терма жамоа аъзолари!

Бугун халқимиз юқори кайфият билан сизларга оқ фотиҳа бериб, катта мундиалга кузатмоқда. Сизларни олдinda Португалия, Колумбия, Конго каби кучли терма жамоалар билан муҳим ўйинлар кутиб турибди.

Катта куч-ғайрат билан, ишонч билан майдонга чиқинг!

Шуни билингки, биз доим сизлар билан биргамиз!

Ҳақиқий ўзбекона жасорат, матонат ва иродатчи билан чиройли ва ишончли ўйин кўрсатиб, барчамизни хурсанд қиласиз деб ишонамиз.

Азиз юртдошлар!

Бугун сизларнинг қаторингизда менинг қалбим ҳам фахр ва ифтихорга тўлиб турибди. Ўзбек халқи ҳамиша катта орзу-умидлар билан фақат олдинга интилиб яшаган. Келинлар, бугун ҳаммамиз ахши ният қилайлик:

**Янги Ўзбекистон спорти янада ривожланин, футболимиз янада гуллаб-яшнасин!**

Барчан

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МУБОРАК ҚУРБОН ҲАЙТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АҲОЛИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА МЕХР-САХОВАТ ТАДБИРЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

а) қуйидаги тоифадаги беморларнинг тиббий текширувдан ўтиш, жарроҳлик амалиёти ва даволаш харажатларини қоплаш;
б) 2,3 минг нафар онкологик, гематологик ва онкогематологик таххис қўйилган беморларни тиббий текширувдан ўтказиш, уларни даволаш ва жарроҳлик амалиётини ўтказиш;
в) камиди 350 нафар беморларда жигар ва буйрак трансплантацияси амалиётини ўтказиш;

4. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда кенг жамоатчилик вакилларининг қуйидаги тақлифлари маъқуллансин:
а) муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ҳамда ушбу мақсадларда кўнгилли хайрия ҳашарларини ўтказиш;
б) ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифалари учун эҳсон дастурхонларини ёзиш ҳамда зиёратгоҳлар ва диний таълим ташкилотларида қурбонлик тадбирларини ташкил этиш.

II. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

5. Муқаддас қадамжоларни ободонлаштириш ва меҳр-саховат тадбирларини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари раислигида ҳудудий кенгашлар (кейинги ўринларда — ҳудудий кенгашлар) ташкил этилсин ва уларнинг намунавий таркиби иловатга мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қуйидагилар ҳудудий кенгашларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

а) аҳолини қўллаб-қувватлашга қаратилган меҳр-саховат ва хайр-эҳсон тадбирларининг манзилли амалга оширилишини таъминлаш ҳамда ушбу йўналишда вазирилик ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари ва туман (шаҳар) ҳокимларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;
б) юртимиздаги муқаддас қадамжолар, масжидлар ва қабристонларни обод қилиш ва аҳолида аждодлар хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш тўғрисидаги шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилишини ташкил этиш;

в) мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар доирасида юзага келаётган муаммоларни тезкор бартараф этиш.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ “Вақф” хайрия жамоат фонди орқали тиббий текширув, жарроҳлик ва даволаш амалиёти харажатларини қоплаш қуйидаги тартибда молиялаштирилади:

а) тиббий текширув, жарроҳлик ва даволаш амалиёти ўтказиладиган касалликлар рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирилик томонидан белгиланади;
б) беморларни тегишли тиббий ташкилотига йўллаш ва даволаш Соғлиқни сақлаш

вазирлиги томонидан “Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор — “UZINFOCOM” МҲК билан биргаликда улар тўғрисидаги маълумотларни ахборот модулига киритиш орқали амалга оширилади;

в) тиббий текширув, жарроҳлик ва даволаш амалиёти ўтказилган беморларга кўрсатилган хизматлар харажатларини қоплаш Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси томонидан тақдим этилган маълумотномага асосан ушбу маълумотнома тақдим этилган вақтдан эътиборан беш иш куни ичида “Вақф” хайрия жамоат фонди томонидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 17 февралдаги “Муборак Рамазон ойида эҳтиёжманд аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-67-сон қарори доирасида “Вақф” хайрия жамоат фондида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан тасдиқланган касалликлар ва тиббий ташкилотлари рўйхатига мувофиқ даволаниш ёки жарроҳлик амалиётини ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш ҳуқуқи берилсин.

9. Дин ишлари бўйича қўмита Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Агентлик билан биргаликда мазкур қарорда назарда тутилган Қурбон Ҳайитини муносиб нишонлаш билан боғлиқ хайру саховат ва муруват тадбирларининг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилишини ташкил қилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А.Кўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М.П.Олбёров, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Диний-маърифий масалалар бўйича департаментининг бошлиғи М.М.Камиллов ҳамда соғлиқни сақлаш вазири Э.Э.Адилов белгилансин.

12. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2026 йил 22 май

МАЪРИФАТ, МУТОЛАА ВА ТЕРАН ТАФАККУР ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҚУДРАТИГА АЙЛАНМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимиз халқро майдонда ўзини қудратли ва юксак салоҳиятли халқ сифатида намоён этиши учун икки мустақкам асосга таяниши зарурлиги таъкидланди. Булар: бебаҳо илмий-маънавий меросимиз ҳамда замонавий илм-фан ва илгор технологиялардир.

Президентимиз фаолиятининг дастлабки кунларидан ёшларни китобга ошно қилиш, уларда билимга меҳр ва рағбат уйғотишга устувор аҳамият қаратиб келаётганини таъкидлади. 2017 йилдан буён ўтказиб келинаётган “Ёш китобхон” танлови миллионлаб ёшларни китобга яқинлаштирди. “Ёш китобхон оила” танлови эса муролаа муҳитини ҳар бир хонадонга олиб киришга хизмат қилмоқда. Муҳими, ушбу тизим йил сайин тақомиллаштирилмоқда. Хусусан, шу йилнинг бошида қабул қилинган қарор асосида энг фаол китобхонларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим йўлга қўйилди. Қуни кеча “Ёш китобхон” танловининг навбатдаги республика босқичи якунланди. 42 намага мамлакатимизнинг барча ҳудудидан келган 54 нафар энг билимдон ва узукко йилгит-қиз ўз иктидорини ҳамда салоҳиятини намоён этди. Танловнинг уч нафар ғолиби Президент совғаси — замонавий автомобиллар билан тақдирланди.



эзгу ғояни миллий маънавий меросимиз асосида юртимизда янги босқичга олиб чиқишга қарор қилинди.

Шу мақсадда “Миллий китобхонлик ҳаракати” дастури бошланмоқда. Давлатимиз раҳбари қуни кеча ушбу дастурни давлат миқёсида фаол қўллаб-қувватлаш қабул қилинган алоҳида фармойиш имзолаганини қайд этди.

Энди ҳар йили мазкур тадбирнинг финал босқичи Президент даражасида ўтказилади. Дастурнинг умумий йиллик мукофот фонди 240 минг долларни ташкил этади. Бош соврин соҳиби 50 минг доллар билан тақдирланади. Бу юртимиз тарихида китобхонлик бўйича энг салмоқли мукофот бўлади.

Мазкур ҳаракат мамлакатимизнинг барча ҳудудини қамраб олади. Муҳими, танловда умумтаълим мактабларининг 1-синфдан 11-синфгача бўлган ўқувчилари иштирок этади. Мактабга илк қадам қўйган ўқувчини ҳам китобга дўст қилиш жуда муҳим. Айниқса, хозирги рақамли технологиялар ривожланган даврда боланинг шаклланиш жараёнида китобга ошно қилиш ёрқин келажак қаролиқларидир.

Президентимиз ушбу ташаббус мактаблар, оилалар ва бутун жамиятда китобхонлик муҳитини кучайтириш, ёшлар қалбига янги бунёдкорлик руҳини уйғотишга хизмат қилишини таъкидлади.

— Мен ушбу дастурни шунчаки китоб ўқий мусобақаси эмас, балки жонжон Ватанимиз келажаги учун стратегик инвестиция

деб биланам. Агар биз бутун болаларимизнинг қўлига яхши китоб берасак, эртага улар янги Ўзбекистоннинг буюк келажакини барпо этишга албатта қодир бўладилар, — деди давлатимиз раҳбари.

Маросимда Президентимиз барча ўқувчи ёшлар, устозлар, ота-оналар ва кенг жамоатчиликни ушбу умуммиллий ҳаракатда фаол иштирок этишга чақирди.

Китоб ўқиган, билимга интилган ва энг маъноларини англаган миллат ҳеч қачон энгил-маслиғи таъкидланди. “Илмдан бошқа нажот йўқ” деган маърифатпарвар аждодларимиз ғоясини бутун мамлакат миқёсида ҳаётга таъбиқ этиш мукимлиги қайд этилди.

Бутун янги Ўзбекистон Чинқия Ренессанс деб аталган чўққи сари йўлга чиққан катта қарвондир. Узоқ манзил сари йўл олган қарвон орқига юк олмади. Тафаккур, билим билан эришилганда йўлдаги энг муҳим бойлик китобдир. У бизга йўлнинг паст-баландини олдиндан кўра олиш, синновларни мардона энгиб, бошини тик тутиб манзилга етиб боришни ўргатади. Дунёга маърифат улашиб, эзгулик соғиниб яшаётган Ўзбекистонликлар энди яна бир йирик сафарбарлик — Миллий китобхонлик ҳаракати атрофида янада жипслашиб, олға интилади.

Боборавшан ҲОЗИДДИНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ ВА ОЧИҚЛИК МАМЛАКАТ РИВОЖИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 22 май куни Халқаро конгресс марказида “Сифатли давлат бошқаруви” дастури доирасида ўтказилган тақдирлаш маросимида иштирок этди.

“Темуր тузуқлари”да ақл-фаросатли, баҳодир, довоқар, тадбиркор, сергак, эҳтиёткор, ҳар томонлама ўйлаб иш тутадиган маҳоратли саркардалар алоҳида эътироф этилади. Олти асрдан ошса ҳамки, Амир Темуր бобомиз қайд этган малакали кадрлар масаласи аҳамиятини йўқотмаган. Чунки ҳар бир ислоҳот моҳияти уни амалга оширувчи давлат хизматчисининг малакаси ва профессионал маҳоратига боғлиқ.

Мамлакатимизда янги Ўзбекистоннинг барпо этишдек буюк мақсад қўзланган. Бу мақсад йўлидаги ислоҳотлар марказига эса “Инсон қадри учун” тамойили қўйилган экан, Соҳибқирон бобомизнинг ана шу иш тутуғига зарурат сезилди.

Қолаверса, бутунги глобаллашув ва тобора кенгайиб бораётган рақамлаштириш жараёни давлат фуқаролик хизмати комплекси трансформация қилиш эҳтиёжини юзага келтираётганлиги.

Шу боис, кейинги йилларда ўз минг йиллик миллий давлатчилигимизнинг бебаҳо

аниқ кўриш мумкин. Жумладан, ҳозир вазирилик тизимида 30 та платформа орқали 380 та хизмат тўлиқ рақамлаштирилган. Шунингдек, 780 дан ортиқ хизматдан онлайн фойдаланиш имконияти яратилган. Муҳими, 208 та давлат хизматлари маркази бутун мамлакат бўйлаб ягона стандарт асосида ишлагомоқда.

Мана шунинг ўзиёқ янги Ўзбекистонда давлат идоралари халққа хизмат қила бошлаганини аққол кўрсатади. Айни ўринда яқин тарихни эслаб ўтсак. Бутун яшаш юки бўйича рўйхатдан ўтиш ёки паспорт олиш учун онлайн мурожаат қилиш, шу тартибда тўловларни амалга ошириш мумкин. Бир пайтлар олий таълимга ҳужжат топшириш учун ҳам маҳалла раисидан маълумотнома олиш керак эди. Бутун бундай бюрократик тўсиқларга барҳам берилиб, онлайн хизматлар оммалашди. Энди бу борадаги ишлар янада тақомиллаштирилмоқда.

Тоғ-кон саноати ва геология вазирилик ресурсларини бошқариш бўйича энг намунали вазирилик сифатида эътироф этилди.



тажрибаси ва замон талабларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратила бошлади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши лозим” деган тамойил давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, бу тамойил, бир томондан, халқнинг розилигига эришиш, ислоҳотларга ишончини мустаҳкамлаш, жамиятда кечаётган янгиланиш жараёнларидаги иштироки ва дахлдорлигини ошириш, бошқа томондан, профессионал давлат хизматчилари корпусини шакллантириш орқали пировард мақсадга хизмат қилади. Бунда давлат хизматчисининг Амир Темуր бобомиз эътироф этган жиҳатлари катта аҳамиятга эга. Чунки аҳоли уларни давлатнинг юзи деб билади, хизмат вазифаси билан боғлиқ хатти-ҳаракатларини эса давлатнинг халққа муносабати сифатида тушунади.

Қисқаси, самарали давлат бошқаруви сиз ҳеч бир соҳада кутилган натижага эришиб бўлмайдми. Шу боис, бошқарув идоралари одамларнинг муаммоларини ўз вақтида, адолатли ва тизимли ҳал этиши зарур.

Ислоҳотлар самарадорлиги, фуқароларнинг давлатга ишоничи орқига қоғозбозликдан воз кечиб, бюрократик тўсиқларга барҳам берилишига боғлиқ. Шу боис, янги Ўзбекистонда янги янги ёндашувлар жорий этишга алоҳида эътибор қаратилиб, давлат бошқарувида халқаролик тамойил устувор вазифага айланмоқда. Янгиланиш жараёни эса, ўрганиш, муайян тажрибага эга давлатлар билан ҳамкорлик туфайли янги босқичга кўтарилади. Шу мана, Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорлик бу борадаги ишларда муҳим ўрин тутмоқда.

Сўнгги йилларда давлат бошқаруви соҳасида икки мамлакат ўртасидаги шериклик янги босқичга кўтарилди. Хусусан, ўтган йил ноябрда бюрократияни бартараф этиш ва сунъий интелект бўйича халқаро форумлар биргаликда юқори савияда ўтказилди. Давлат бошқарувида илгор тажриба алмашиш юзасидан ҳамкорлик келишуви имзоланди. “Сифатли давлат бошқаруви” дастури ана шу ҳамкорликнинг амалий натижасидир.

Президентимиз мазкур дастур давлат идоралари фаолиятини холис баҳолаш, уларнинг кучли ва заиф жиҳатларини аниқлаш, илгор тажрибасини кенг оммалаштириш ҳамда соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Дастур доирасида шу йил январь-апрель ойларида республиканинг 40 та идораси фаолияти, бошқарув сифати ва раҳбар кадрларнинг етакчилиги қобилияти маҳаллий мутахассислар билан бирга халқаро экспертлар томонидан баҳоланди. Бу вазиятни аниқлаб, келгуси режаларни янада пухта тузишда жуда муҳим.

Тақдирлаш маросимида қатор вазирилик ва идоралар эришган натижалари учун эътироф этилди. Хусусан, Адлия вазирилик “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича энг намунали вазирилик номинациясида ғолиб деб топилди.

Қайд этилганидек, вазирилик қисқа муддатда замонавий, очик ва рақамли адлия институтига айланди. Бунинг рақамларда ҳам

Вазирликда ажратилган маблағлар янги конларни қидириш топиш ва соҳани ривожлантиришга йўналтирилгани, геология-қидирув ишларида сув сарфи 20 фоиз қисқартирилгани, асосий кончилик ускуналарини маҳаллийлаштириш даражаси 84 фоизга етказилгани таъкидланди.

Ички ишлар вазирилик давлат хизматларини кўрсатишдаги ижобий натижаларни учун энг намунали деб топилди. Ушбу соҳадаги ишлар сўнгги йилларда янги босқичга олиб чиқилди. Масалан, вазирилик томонидан кўрсатилган 60 га яқин хизматнинг 95 фоизи рақамли шаклга ўтказилди. Айни жиҳат халқнинг давлат идораларига ишоничи мустақкамлашига хизмат қилмоқда.

Илгари тарқоқ бўлган 72 та маълумотлар базаси ягона “Хавфсиз шаҳар” тизимида бириктирилди. Унга 14 та бошқарув маркази ва 20 дан ортиқ вазирилик уланган. Утган йили 148 мингдан зиёд маъмурий иш масофавий тарзда кўриб чиқилган.

Танлов доирасида намунали раҳбар ва мутахассис ходимлар ҳам тақдирланди. Тоғ-кон саноати ва геология вазирилик бошқарма бошлиғи Максуд Болбөкөв энг намунали раҳбар ходим, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилик бўлими бошлиғи Фазлиддин Мўминов энг намунали маъмурий ходим, Атом энергияси агентлиги бош мутахассиси Шохмурзо Умаров энг намунали мутахассис ходим, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири маслаҳатчиси Уммутой Йўлдошева энг намунали аёл ходим, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилик лойиҳа офиси раҳбари Акбархон Собирхонов энг намунали истеъдодли ёш ходим, Адлия вазирилик бўлими бошлиғи Мирсаид Раҳматов инсон ресурслари бўйича энг намунали ходим сифатида ғолиб бўлди.

Давлатимиз раҳбари эътироф этилган ходимлар лавозимини бир поғона кўтариб, раҳбар кадрлар захирасига киритиш тақлифини билдирди. Уларнинг ўз устида доимий ишлаши, янгица фикрлаш ва меҳнат фаолиятига инновацион ёндашувларни татбиқ этиши бошқарув учун ўрнак бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Олим Омонов энг намунали ваизр ўринбосари, Атом энергияси агентлиги директори Азим Аҳмадхўжаев энг намунали агентлик директори, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси Халилullo Тўрақўжаев энг намунали қўмита раиси сифатида эътироф этилди.

Президентимиз келгуси босқичларда дастур янада очик бўлиши ва талаб кучайиши қандай этиди. Бундан буён янги натижа кўрсатган идоралар билан бирга самарадорлик ва хизмат сифати бўйича ортда қолаётган ташкилотлар ҳам очик айтилди. Бу давлат идораларини ўз фаолиятига холис баҳо бериш, камчиликларини бартараф этиш ва аҳоли олдидати маъсулиятини оширишга ундайди.

Жараён иччил давом этиб, қамрови кенгайиши учун “Сифатли давлат бошқаруви” дастури ҳар икки йилда ўтказиб борилади. Келгуси босқичдан унда маҳаллий ҳокимликлар ҳам иштирок этади. Айни жиҳат ислоҳотлар натижаси, аввало, қўни бўғинда, туман ва шаҳарлар даражасида жадаллаштиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари халқ ишонидан, инсон қадрини улуғлайдиган, одамларнинг оғирини энгил қиладиган самарали давлат тизimini яратиш бундан кейин ҳам устувор вазифа бўлиб қолишини таъкидлади. Вазирилик ва идоралар фаолиятида “жараён учун” эмас, “натижа учун” ишлаш тамойили асосий мезонга айланиши зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатимиз етакчиси шу ерда “Келажак учун” истиқболли ташаббуслар форуми доирасида саралаб олинган лойиҳалар тақдироти билан ҳам таниди.

Ҳозир амалиётимизда аҳоли фикри, ташаббус ва тақлифлари инобатга олинган “Менинг фикрим”, “Очиқ боджер”, “regulation.gov.uz”, “shogjaat.gov.uz” каби порталлар мавқуд. Лекин улар аниқ вазифаларга мўлжалланган, аҳоли кенг қатламидан турли йўналишларга доир истиқболли ташаббус ҳамда тақлифларни саралаш ва амалиётга жорий қилишга қаратилган йирик мулоқот майдонини яратишга эҳтиёж бор эди.

Чунки тадбиркорлар ёки иزلанувчан ёшларимизнинг ана шундай лойиҳалари базиди ривожланмаслиги ёки умуман ҳаётга татбиқ этилмай қолиб кетиш ҳолатлари учраб туради. Бу эса, ўз навбатида, айрим истиқболли ташаббуслар учун алоҳида эътибор, ўзига хос шароит яратиш зарурлигини даллат эди.

Шу боис, мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшлар ва ташаббускор фуқароларнинг илгор ғояларини қўллаб-қувватлаш, уларни амалий лойиҳаларга айлантириш учун очик ва самарали механизмлар яратишга эътибор кучайтирилди.

Шу мақсадда Президентимизнинг 2025 йил 14 июлдаги “Ислоҳотларни амалга оширишда истиқболли ташаббусларни янада қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, “Келажак учун” истиқболли ташаббуслар форумини ўтказиш амалиёти йўлга қўйилган. Унинг асосий мақсади кенг жамоатчилик томонидан илгари суриланган долзарб тақлифларни саралаш, қўллаб-қувватлаш ва ҳаётга татбиқ этишдан иборат.

Форум доирасида kelajak.uzchun.gov.uz краудплатформаси ишга туширилди. Бу орқали аҳоли ўз ташаббусларини очик тарзда тақдим этиши, уларни муҳокама қилиш ва эксперт баҳолашидан ўтказиш имконияти яратилди.

Жорий йилги форум учун ташкилий қўмита томонидан тадбиркорликни ривожлантириш ва бандликни таъминлаш, экология, сув таъминоти ва “ашил” энергетика қамровини кенгайтириш, рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни жорий этиш, тиббиёт ва таълим сифатини ошириш, суд-ҳуқуқ тизimini замонавий ёндашувлар асосида ривожлантириш устувор йўналишлар этиб белгиланди.

Форум эълон қилинган, аҳолидан 1300 дан ортиқ тақлиф ва ташаббус келиб тушди. Дастлаб улар Стратегия ривожланиши ва ислоҳотлар агентлиги ҳамда “Бизнесни ривожлантириш банки” томонидан кўриб чиқилиб, белгиланган устувор йўналишлар кесимида умумлаштирилди.

Шундан сўнг ташаббуслар Менторлар кенгаши аъзолари ва соҳавий экспертлар иштирокида таҳлил қилиниб, амалий аҳамияти, жорий этиш имконияти, ижтимоий-иқтисодий самараси ва кенгайтириш истиқболлари нуқтан назаридан баҳоланди. Ушбу жараён якунлари бўйича энг долзарб лойиҳалар “ТОП-50” ва “ТОП-10” рўйхатларига саралаб олинди.

Форумнинг биринчи қунида “ТОП-10” ташаббус муаллифларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ҳолиларга сертификатлар ва пули мукофотлари топширилди. Давлатимиз раҳбарига тақдим этилган лойиҳалар орасида йўл қурилишида пластик чиқиндилардан фойдаланиш, инновацион ҳаво тозалаш ускунасини ишлаб чиқиш, чекка ҳудудларни қўчма қурилма воситасида энергия билан таъминлаш, пиледалар йўлакчасида автоматлаштирилган оғоҳлантириш тизimini жорий қилиш, миллий муҳандислик платформасини яратиш каби ташаббуслар бор.

Тақдиротда ушбу ғояларнинг ҳар бири муайян ижтимоий ёки иқтисодий муаммони ҳал этишга қаратилгани таъкидланди.

Лойиҳалар тегишли йўналишлар бўйича Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Қишлоқ ҳўжалиги вазирилик, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилик, Рақамли технологиялар вазирилик, Адлия вазирилик, Мактабга ва мактаб таълими вазирилик, Ички ишлар вазирилик, Транспорт вазирилик, Автомобиль йўллари қўмитаси ва бошқа маъсул ташкилотларга бириктирилди.

Уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, ҳар бир ташаббуснинг ижроси тизимли равишда кузатиб борилади. “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш ва уларнинг бажарилишини доимий мониторинг қилишга иштирок этади.

Президентимиз ташаббусларнинг амалий натижасига алоҳида эътибор қаратиш, муаллифлар билан бирга ишлаб, ҳар бир лойиҳани ҳаётини, иқтисодий самара берадиган ва одамларга фойда келтирадиган ечимга айлантириш муҳимлигини таъкидлади.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

# ФУТБОЛДАН МИЛЛИОНЛАБ ҚАЛЪЛАРГА КЎЧАЎТГАН МАРДЛИК, ҒОЛИБЛИК ШИЖОАТИ

### Президентимиз Шавкат Мирзиёев футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари, мураббийлар штаби, соҳа фахрийлари ва спорт жамоатчилиги вакиллари билан учрашув ўтказди.

Пойтахтимиздаги “Бунёдкор” стадиониди ҳар қачонгидан ўзгача кайфият ҳукмрон. Бунинг асосий сабаби футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасини АҚШ, Мексика ва Канадада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида кузатиш маросимидир.

Маросимни кузатар эканмиз, биз ушбу кунларни қанчалик озиқиб кутганимиз, миллий генотипимизга хос ғолиблик сурури футбол тимсолида янги Ўзбекистонга, халқимизга кайтиганини аниқлаш бошлаймиз. Утган вақтда Ўзбек футболларидаги ўзгаришлар, мунодиалгача бўлган йўл ва бу йўлдаги айрим ҳолатлар эста туша бошлайди.

Давлатимиз раҳбари учрашув чоғида бунга алоҳида тўхталиб, Ўзбек футбол мухлислари бу кунни 34 йил кутганини, миллий терма жамоа аъзолари ҳар бир ўйинга юксак масъулият, ватанпарварлик руҳи ва ғалабага ишонч билан майдонга тушиб, мамлакатимиз футбол тарихида янги саҳифа очганини қайд этди. Бунинг учун футболчилар, уларни тарбиялаб, вояга етказган ота-оналари, устоз ва мураббийларига миннатдорлик билдириди.

— Футболчиларимизни Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очган замонамиз қаҳрамонлари деб айтсак арзийди. Улар халқимизга олам-олам қувонч бағишлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Ҳа, футболни бутун миллионлар севади, ардоқлайди, қадрлайди. Яна у мамлакатни дунёга танитувчи энг машҳур спорт турларидан. Футбол мана шу жиҳатлари билан ажралиб туради. Шу боис, ҳозир дунёда ушбу спорт турига катта эътибор қаратилиб, қўллаб-қувватланади.

Ўзбекистон халқи ҳам футболчиларимизнинг ушбу муносиб йўлидаги ҳар бир иштирокини катта иштиёқ ва ҳаяжон билан кузатиб, олқишлади. Ютуқларидан хурсанд бўлди, мағлубиятга ачинди. Лекин умидини сўндирмади. Ўз навбатида, футболчиларимиз ҳам шаштини туширмади. Мақсад сари дадил интилди. Бунинг учун давлат томонидан шарт-шароит, қўлай муҳит яратилди.

Қисқаси, жаҳон чемпионати йўлланма барчанинг орузи эди. Футболчиларимиз бир неча марта маррага яқин борди. Лекин айрим ҳолларда биргина гол фарқи, баъзан дуранг ўйини ёки бошқа ҳолатлар, омадсизликлар туфайли бу орзу умидга айлана қолди.

Очиги, орзу ушалшига нимадир етишмасди. Бунинг учун муайян босқичлар босиб ўтилди. Унгача жаҳон чемпионати йўли очган айрим жиҳатлар, футболчиларимизнинг бошқа мусобақаларда кўлга киритган баъзи ютуқларини келтириб ўтсак, ўринли бўлади, назаримизда.

Қайси соҳа бўлмасин, олдинга катта мақсад қўйиш яхши, албатта. Лекин бунинг учун зарур тайёргарлик, пухта пойдевор керак. Ва шундай бўлди ҳам. Мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Виллоятларда замонавий футбол академиялари ташкил этилди, болалар учун минглаб майдончалар қурилди. Бу каби ишларни кенгайтириш ва спортни оммалаштиришга қаратилган бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Президентимизнинг 2019 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2023 йил 7 апрелдаги “Оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2024 йил 20 мартдаги “Маҳаллаларда футбол инфратузилмасини ривожлантириш ва тармоғини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари бу борада катта аҳамият касб этди.

Хуқуқий асослар самара берди, албатта. Хўдудларда замонавий спорт иншоотлари, стадионлар қурилиб, уларга минглаб ёшлар жалб қилинди. Қўллаб-қувватлов эгалари кашф этилди. Иштиқобли ва иқтидорли футболчиларини танлаш ҳамда тайёрлашнинг самарали тизими яратилди. Миллий терма жамоалар ва профессионал футбол клублари учун сифатли спорт захирасини шакллантириш, маҳаллалардан бошлаб футбол

инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда футбол мактаблари ва футбол академияларига иқтидорли футболчиларни саралаб олиш (селекция) ни янада такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилди. Миллионлар ўйинига аҳолини, айниқса, ёшларни кенг жалб этишга киришилди. Мураббий ва ҳақмалари халқро талаблар асосида тайёрлаш, маҳоратини ошириш, инфратузилмани яхшилаш, ўрнатилган стандартларга мослаштириш чоралари кўрилди.

Сўнги йилларда жойларда 200 дан зиёд йирик спорт иншооти, 4000 га яқин хусусий спорт клублари иш бошлади. 1500 дан ортиқ маҳаллада спорт майдончалари қурилди. Пойтахтимизда замонавий Олимпия шаҳарчаси барпо этилди. Юқори Чирчиқда Миллий футбол маркази ишга туширилди. Ҳар бир виллоятда профессионал футбол академияси ва футбол мактаблари



ташкил қилинди. Булар ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир. Яна бундай ишлар натижасида мамлакатимизда ҳаваскор футболчилар сони 5 миллионга етди. Футбол билан мунтазам шуғулланувчилар 1 миллион 300 миңдан ортиқ, профессионал футболчилар эса 17 миңга етди. Футболда ютуқларимиз кўпайди. Хусусан, ўсмирлар, ёшлар ва Олимпия терма жамоалари энг юқори натижаларга эриша бошлади. Масалан, футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар (U17) терма жамоаси 2012 ва 2025 йилларда Осиё чемпиони бўлди. Ёшлар (U20) терма жамоаси эса 2023 йили илк бор Осиё кубогини қўлга киритди. Ийгиликларимиз энг кучли ёшлар жамоалари қаторидан жой олди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари футболни ривожлантириш, ёшларнинг спортга жалб этиш бундан кейин ҳам муҳим вазифа бўлиб қолишини айтди. Шу мақсадда “Ҳар бир маҳалла — футбол майдони” дастури бошланиши белгиланди. Мазкур ташаббус умуммиллий ҳаракатга айлантирилади.

Дастур доирасида “Маҳалла лигаси” ташкил этилиб, 12-17 ёшли ўғил-қизлар ўртасида маҳалла футбол жамоалари тузилади. Ҳар йили ҳаваскор футболчилар иштирокида “маҳалла — туман — виллоят — республика” босқичларидан иборат мусобақалар ўтказилади.

“Маҳалла лигаси” энг яхши иқтидор эгаларини саралашда профессионал клублар учун муҳим база бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир болага ўз маҳалласида футбол билан шуғулланиш, мусобақаларда иштирок этиш ва истеъдодини намойён қилиш имконияти яратилади.

Умуман олганда, мамлакатимизда 2017 йилдан барча соҳа ва тармоқлар сингари Ўзбек футболларида ҳам янги давр бошланди. Футболга алоҳида эътибор кучайди. Муҳит шаклланди. Халқимиз спортга ошно бўлди. Айниқса, футбол иштиқобли ортиб, футбол Ўзбекистонда энг сеvimли спорт турига айланди. Бунинг билан шундан бундан кўра муҳим илмий ва амалий янгилик бўлиши мумкин. Ушбу моделга кўра, ҳар бир тендер ёки харид жараёни автоматик равишда бир неча мезон асосида баҳоланади.

Жумладан, тақлиф этилган нархнинг бозор қийматига нисбати, иштирокчилар сони, ғолиб ташкилотнинг аввалги шартномалари тарихи, техник талаблардаги тақорорий ёки



### Президентимиз жаҳон чемпионатида ўйин осон бўлмаслигини, миллий терма жамоа Португалия, Колумбия ва Конго каби кучли жамоаларга қарши майдонга тушишини таъкидлади.

назар солишининг ўзи қифоя. Зеро, иқтидорлилар мана шундай кичик майдонлардан катта майдонларга йўл олади.

Президентимизнинг қўллаб-қувватлови билан мамлакатимизда спорт, жумладан, футбол жаҳад ривожланмоқда. Академиялар, замонавий спорт иншоотлари барпо этилмоқда. Бу жараёни халқроқ экспертлар ҳам эътироф этмоқда. Бунинг ўз ичига футбол ва футболчиларни том маънода дунё кезмоқда. Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, терма жамоамиз сафида мунтазам маҳоратли ёшлар етишиб чиқа бошлади. Уларни тўғри бошқарадиган мураббийлар бўйича ҳам салмоқли қарорлар қабул қилинди.

Ниҳоят, натижа кўрина бошлади. Шуларнинг энг асосийси — жамоамизни жаҳон чемпионати сари етаклаган учрашув ўтган йил ёзда бўлиб ўтди. Ватандошларимиз, футбол мухлислари ушбу учрашувни интиқлик билан кутган эди. Натижа ҳам шунга яраша бўлди.

Хуллас, 2025 йил, 5 июн. Абу-Дабидаги “Ал-Наҳён” стадиони. БАА — Ўзбекистон ўрта-сиддаги ҳал қилувчи ўйин. Бу ўйингоҳ ўзбек футболчилари учун ҳам, футбол мухлислари учун ҳам яхши таниш. Яъни бу майдонда бизнинг футболчилар ҳам клуб, ҳам терма жамоа ўйинчиси сифатида ўйинлар ўтказган. Лекин шу сана биз учун муҳим ва тарихий бўлиб қолди. Уша кунни йиғитларимиз мезбон мамлакат терма жамоасига қарши 0:0 ҳисобидаги ғалабага тенг дуранг қайд этиб, тарихда биринчи марта жаҳон чемпионатига йўлланмани нақд қилди. Бу нафақат футболчилар, балки бутун Ўзбекистон халқининг узоқ йиллик орузи рўёби эди. Ўзбек футбол тарихига зарҳал халфлар билан битилган муҳим воқеа эди.

Президентимиз жаҳон чемпионатида ўйин осон бўлмаслигини, миллий терма жамоа Португалия, Колумбия ва Конго каби кучли жамоаларга қарши майдонга тушишини таъкидлади. Шу билан бирга, футболчиларимиз аллақачон тарих яратгани, энди улар муҳим учрашувларда ортинча босимсиз, бор куч-ғайрати билан Ватан шарафини муносиб ҳимоя қилиши зарурлигини қайд этди. Мундиал ўйинларида фан клублар, минглаб футбол мухлислари ва Америкадаги ватандошларимиз стадионларда жамоамизни қўллаб-қувватлашини айтди.

— Эл-юртимиз сизларга ишонади, Президент сизларга ишонади. Боринлар, мардонавор ўйинлар, Ватан шарафини муносиб ҳимоя қилинлар, — деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасини 2026 йилги жаҳон чемпионатида кузатиш маросимида иштирок этиди.

Маросим аввалда Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари майдонда саф тортиди.

Давлатимиз раҳбари стадионда тўпланган юртдошларимиз, футбол мухлислари, миллий терма жамоа аъзолари, мураббийлар штаби ва спорт жамоатчилиги вакиллари катта футбол байрами билан табриқлади.

Бугунги кун ўзбек футболни учун яна бир тарихий сана экани, миллий терма жамоамиз АҚШ, Мексика ва Канада майдонларида ўтадиган жаҳон чемпионатида катта ишонч ва эзгу тилаклар билан кузатилаётгани таъкидланди. Нутқ якунида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янгради. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари билан сурагга тушди.

Концерт дастури намойиш этилди. Тадбир якунида миллий терма жамоанинг назорат учрашуви бўлиб ўтди.

Юртимиз фахрига айланган ва футбол мухлислари эътиборини қозongan футболчиларимиз жаҳон чемпионатида йўл олмоқда. Улар билан сафаролди учрашув ҳақиқий байрамга айлана кетди. Трибуналар мамлакатимиз байроғи тусига кирди. Томошибинлар олқиши куй-қўшиқларга уланди.

Футболчиларимиз олдида янада катта вазифа турибди. Аввало, мусобақада муносиб иштирок этиб, имкон қадар юқори натижалар қайд этишни, кейинчалик ҳам тўхтаб қолмай, навбатдаги мундиалларнинг доимий иштирокчисига айланишини барчамиз истаимиз.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

# ЎЗБЕКИСТОН, ФАҚАТГИНА ОЛҒА БОР!

Миллионлар ўйини шубҳасиз футбол, Денгиз мисол мавжланади мухлислар. Сендан талаб қилингани фақат гол, Эҳтирослар ошар, тошади ҳислар.

“Оқ бўрилар”, зафар доим бўлсин нақд, Сени ғолиб кўриш бизлар учун бахт. Қадамингдан титрасин ҳар ўйингоҳ, Майдонларга мардона чиқ ҳамма вақт!

Ўзбекистон, ўз беклигинг рост бўлсин, Ўзбекистон, олам номинга тўлсин, Дунё билсин, ҳар зарбангда болга бор. Ўзбекистон, фақатгина олға бор!

Прессингга ушлагин рақибларингни, Бир зум ҳам тўхтатма таъкибларингни. Барчаси қаршингда гафлатда қолсин, Ўйиндан ташқари ҳолатда қолсин!

Ўттиз беш йил ёзганларим дод бўлди, Мундиалга чиқдинг, дил обод бўлди, Бир замонлар самоларга сочилган — Қанча аждодларнинг руҳи шод бўлди.

Ўзбекистон, ўз беклигинг бор бўлсин, Ўзбекистон, омад сенга ёр бўлсин! Тап тортамасдан фақатгина олға бор, Худойимнинг ўзи мададкор бўлсин!

Ҳар бир қора кўз-қошинг учун ўйна, Ўйна, ҳар бир юртдошинг учун ўйна, Ислоҳот-ла футболни ўзгартирган — Олий мухлис — Юртбошинг учун ўйна!

Ўзбекистон, ўз беклигинг рост бўлсин, Қучинг кўрсат, ҳар зарбангда болга бор. Ўзбекистон, номинг дунёга тўлсин, Ўзбекистон, Ўзбекистон олға бор!

Жаҳон чемпионати — улуг байрам, тўй, Тўйингдан айланай, она Ватаним! Ғарбда Шарқнинг куёшидай кўрсат бўй, Бўйингдан айланай, она Ватаним!

Ботир ЭРҒАШЕВ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси, шоир



## НУҚТАИ НАЗАР

# ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДА ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК

Бугун дунё иқтисодиётида давлат харидларида нафақат товар ва хизмат сотиб олиш механизми, балки иқтисодий хавфсизлик, рақобат муҳити ва давлат бошқаруви самарадорлигини белгилайдиган стратегик тизим сифатида қаралмоқда. Айниқса, рақамли технологиялар жадал ривожланаётган ҳозирги даврда давлат харидларини сунъий интеллект, катта ҳажмли маълумотларнинг тезкор таҳлили ва автоматлаштирилган мониторинг механизмларисиз тасаввур қилиш қийин.

Янги Ўзбекистонда ҳам давлат харидлари тизимини рақамлаштириш бўйича кенг қўллаб-қувватлов давом эттирилмоқда. Электрон тендер, онлайн аукцион ва электрон дўкон платформалари орқали бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, инсон омилини камайтириш ва коррупция хавфини чеклаш борасида муҳим натижалар кузатиляпти. Бироқ бугун энг долзарб масала давлат харидларини оддий электрон тизимдан интеллектуал бошқарув тизимига айлантириш бўлиб қолаётир. Мутахассислар фикрича, давлат харидларидаги асосий муаммо кўп ҳолларда қарор қабул қилиш жараёнида эмас, балки маълумотларни таҳлил қилиш ва хавфини олдиндан прогноз қилиш механизми етарли эмаслигида намоён бўлади.

Хўш, аслида ҳам шундайми? Келинг, буни таҳлил қилиб кўрамиз. Масалан, айрим

ҳолатларда бозор нархи сунъий оширилиши, техник талабларни муайян иштирокчи манфаатига мослаштириш ёки тендер иштирокчилари ўртасида яширин келишувлар кузатилиши мумкин. Оддий электрон платформа бу ҳолатларни қайд этиши мумкин, ammo уларни таҳлил қилиб, хавф даражасини олдиндан аниқлаш учун интеллектуал ёндашув талаб этилади. Шу нуқтаи назардан, давлат харидларида “Рақамли риск-индекс” тизимини жорий этиш муҳим илмий ва амалий янгилик бўлиши мумкин. Ушбу моделга кўра, ҳар бир тендер ёки харид жараёни автоматик равишда бир неча мезон асосида баҳоланади.

Жумладан, тақлиф этилган нархнинг бозор қийматига нисбати, иштирокчилар сони, ғолиб ташкилотнинг аввалги шартномалари тарихи, техник талаблардаги тақорорий ёки

шубҳали ҳолатлар, қисқа муддатда тақорланган харидларни сунъий интеллект ўрганиб чиқади. Яъни СИ ушбу маълумотларни таҳлил қилиб, ҳар бир харид учун “ишонч индекси”ни шакллантириши мумкин. Агар тизим юқори хавфини аниқласа, тендер автоматик равишда қўшимча мониторинг ёки аудитга йўналтирилади. Бу эса коррупциявий омилларнинг олдини олишда мутлақо янги босқични бошлаб беради.

Айниқса, электр энергетика тармоғида бундай интеллектуал таҳлил механизми жорий этиш муҳим. Чунки мазкур соҳада трансформаторлар, юқори кучли электр ускуналари, кабель маҳсулотлари ва йирик инфратузилма объектлари бўйича харидлар катта молиявий ресурсларни талаб қилади. Бундай жараёндарда ҳатто кичик иқтисодий хатолик

ҳам миллиардлаб маблағ йўқотилишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, соҳада ақлли харидлар экотизимини шакллантириш вақти келди. Бу тизимда сунъий интеллект бозор нархларини реал вақт режимида мониторинг қилади ва электрон платформа техник талабларнинг шаффофлигини таҳлил қилади. Шунингдек, у автоматик алгоритмлар орқали иштирокчилар ўртасидаги эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини аниқлайди ва блокчейн технологияси орқали тендер жараёнининг ўзгармас рақамли тарихи сақланади.

Энг муҳими, бундай ёндашув давлат харидларини фақат назорат қилиш воситаси эмас, балки стратегик бошқарув механизмига айлантиради. Натижада бюджет маблағларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, инвестиция самарадорлигини ошириш ва


тадбиркорлар учун ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш имкони кенгайди.

Иқтисодчилар таъкидлаганидек, келажакда давлат харидларида ғолиблик фақат энг арзон тақлиф эмас, балки энг самарали рақамли рейтинг белгилаши мумкин. Яъни тизим маҳсулот сифати, энергия самарадорлиги, хизмат муддати ва компаниянинг ишонч даражасини ҳам автоматик ҳисоблайди. Бу эса давлат маблағларининг қисқа муддатли эмас, балки узоқ муддатли иқтисодий самарасини таъминлайди.

Янги Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини янги технологик босқичга кўтариш керак. Энди асосий вазифа электрон шаклга ўтиш эмас, балки интеллектуал ва прогнозлаштирувчи рақамли тизимини шакллантиришдир. Сунъий интеллект, катта маълумотлар базаси ва автоматлаштирилган риск-таҳлил технологиялари давлат харидларини нафақат шаффоф, балки илмий асосланган, тезкор ва стратегик бошқарув механизмига айлантириши мумкин. Бу эса мамлакат иқтисодиёти барқарорлиги, энергетика хавфсизлиги ва давлат бошқаруви самарадорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Нигора АБДУЛЛАЕВА,  
“Ўзэнергоситиш” АЖ бошқарма бошлиғи ўринбосари

Битирувчи — 2026



“БИЗНИ ВАТАН КУТЯПТИ!”

Муножат МҶМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Мана, яна бир ўқув йили ниҳоялаб, сўнги кўнгирак чалинадиган палла ҳам етиб келяпти. 500 мингга яқин 11-синф битирувчиси мустақил ҳаёт остонасида, орзу ва мақсадлари сари қадам ташлашга шай бўлса, 600 мингдан зиёд 9-синф битирувчиси мактабда, академик лицей ёхуд техникумда ўқишни давом эттиради.

Сўнги кўнгирак садоси битирувчиларни янги ҳаёт сари чорлайди. Энди улар олдида катта йўл, улкан орзулар ва юксак масъулият турибди. Кимдир шифокор, кимдир муҳандис, яна кимдир ўқитувчи бўлишни истади. Умид ила боқиб турган ота-оналар уларга куч беради. Фарзандининг энг яхши касб эгаси бўлиши, жамиятда ўз ўрнини топишини ким хоҳламайди ахир? Ҳамма ҳам энг иқтидорли ўқувчининг ота-онаси бўлишни орзу қилади. Шунинг учун ҳам “Сўнги кўнгирак” тадбирларида намунали хулқи ва аъло баҳоси билан ўрнак бўлган иқтидорли ўқувчилар баробарида ота-оналарга ҳам ташаккурномалар топширилади. Битирувчилар қалбида эса кучли ҳаяжон, турли ҳаёллар чарх уради. Гарчи мактабни муваффақият билан тамомлаётган бўлса-да, фаол, етакчи ёшлар ҳам ўзига хос ҳаяжонда.

РАҒБАТ ЮКСАК МАРРАЛАР САРИ ЧОРЛАЙДИ МУДАТИДАН ОЛДИН ТАЛАБА БЎЛГАНЛАР

Бир олам орзулар билан қанот қоқишга шайланган ёшларга ҳавас қилмай иложингиз йўқ. Имкони бўлса, бир интилишда юлдузни забот этиш шижоати бор уларда. Бир пойтахтдаги университет сари останаётганини айтса, яна бири хориждаги қайсидир нуфузли ОТМга талабаликни нақд қилиб қўйгани билан ғурурланади. Кенг имкониятларга эга юртнинг ёшлари бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Илгари бир мактабни ўртача 50-60 ўқувчи битирган бўлса, шундан санақлиси талаба бўлган. Бугунги манзара бутунлай бошқача. Баъзи мактаб битирувчилари муддатидан олдин талаба бўлиш имкониятини қўлга киритмоқда. Хусусан, Китоб туманидаги 50-мактабнинг 11-синф ўқувчилари аллақачон талабалик учун етарли балл тўплашга улгурди.

— Биз бир синфни 56 ўқувчи тамомлаганмиз. Синфдошларимиздан мен ва яна бир дўстим олий ўқув юртига ўқишга кирганмиз. Ушанда бу хабар қишлоқда шов-шув бўлган, ота-онамиз, қариндош-уруғларимиз фахрланган ҳамон ёдимда. У пайтда Мир-зо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси бўлиш масъулиятини унча ҳис қилмаганман. Ўқишни битириб

мулоқотда таълимга хечқис имкониятлар яратилаётганини чуқур ҳис қилдим. Президентимиз кўксимга “Шухрат” медалини тақдирлаган лаҳзалардаги ҳаяжонимни, хурсандлигимни эса сўз билан ифода қилай олмайман, — дейди педагог. — Ўқинган, эшитганларим асосида эмас, бевосита шу касбда фаолият юритаётган ўқитувчи сифатида ҳозир мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш борасида халқро андозаларга мос ислохотлар йўлига қўйилганини баралла айта оламан. Кўп йилдан бери шу мактабда математикадан дарс бериб келаман. Дастлабки йиллари битирувчи синф ўқувчиларининг камдан-ками педагогика йўналишини танларди. Мисол учун, 2015 йилгача тайёрлаган шоғирларимдан бор-йўғи 3 нафари ўқитувчи бўлди. Энди бугунги кун билан

МАКТАБДАН КАТТА ЮТУҚ БИЛАН КЕТЯПМАН

Зулҳаё МИНГБОЕВА,

Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби ўқувчиси, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳиби:

— Шу кунларда мактабга келар эканман, ҳаммаси ҳар доимгидек туюлади. Уша таниш йўлақлар, синфхона, кўнгирак овози... Бироқ қалбимда қандайдир бошқача ҳис бор. Чунки мен мактаб билан хайрлашаётган битирувчиман. Аммо мактабдан катта бир ютуқ билан кетяпман. Қўлимда Зулфия номидаги давлат мукофоти, қалбимда эса чексиз ҳаяжон ва миннатдорлик туйғуси. Бу мукофот мен учун шунчаки диплом ёки ютуқ эмас. Мактабимиз ўқувчилари ўртасидаги илк давлат мукофоти экани билан ҳам аҳамиятли. Келгусида сафимиз кенгайишига ишонаман. Давлатимиз биз, ёшларнинг илм эгаллаб, юқори марраларни забот этишимиз учун зарур шароитларни яратиб берапти. Шунинг учун ҳам катта давлат вакилларининг аксарияти ўрнимизда бўлиб қолишни истади. Улар бугунги мактабларга, ҳозирги мукофот ва рағбатларга жуда ҳавас қилишади.



Бугунги ўқитувчилар ҳам замон талабларига мос тарзда ўз устиди ишлаяпти. Устозларим билим берибгина қолмай, ўзимга ишонч ҳам уйғотди. Ҳар бир муваффақиятимда уларнинг ҳиссаси бор. Улар орқали мактаб менга сўзини, шеърини севдира олди. Келгусида адабиёт вакили бўлишни истаيمان ва бунинг учун тинимсиз ҳаракат қиламан. Зеро, қизлар ҳам катта мақсадларга эриша олишини, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини исботлашни истаيمان.

Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳиби деган номга муносиб бўлиш учун бу кўпроқ изланишим, билим олишим ва жамиятга фойда тағадиган инсон бўлишим керак. Чунки ҳақиқий ютуқ фақат мукофот олиш эмас, балки халқ ишончига муносиб яшайдир. Агар инсонда мақсад, меҳнат ва ишонч бўлса, албатта, ўз йўлини топади. Бугун қалбимда фақат битта тилак бор: менга бидирилган ишончни оқлаш ва Ватаним тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладиган инсон бўлиш.

МУВАФФАҚИЯТ — КУЧЛИ МУҲИТ МЕВАСИ

Акбар ДОСТОНОВ,

Сариосиё туманидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 11-синф битирувчиси:

— Ростини айтсам, ҳозир қалбимда икки хил туйғу курашапти. Бир тарафдан қувонаман — олдида янги ҳаёт, янги орзулар, катта мақсадлар турибди. Устозларим ёрдамида тинимсиз ўқиб изланиш натижасида АҚШ, Швейцария, Италия ва Канада каби давлатларнинг 32 та олийгоҳига 2 миллион 165 минг долларлик грант ютиб олдим. Ихтисослаштирилган мактаблардаги замонавий шароитлар сабабли кўплаб ёшлар мен каби ютуқларга эришиб келяпти. Ёшларнинг халқро майдондаги бундай муваффақияти янги Ўзбекистон таълим тизимида яратилаётган имкониятларнинг ёрқин натижасидир.



Иккинчи тарафдан эса мактаб билан хайрлашиш ҳам оғир. Чунки бу ер мен учун шунчаки таълим маскани эмас, балки ҳаётимнинг энг гўзал оналари ўтган табаррук жой.

Муҳими, устозларимдан миннатдорман. Улар бизга фақат китобдаги билимларини эмас, ҳаётини ҳам ўргатди. Қийин пайтларда далда берди, ишонди, тарбия қилди. Балки баъзан уларнинг меҳнатини тўлиқ қадрламагандимиз, аммо устознинг меҳнати беқиёс эканини мен каби ютуққа эришган ҳар бир ўқувчи чуқур англаб етди.

Бугун келажакдан чўчимаيمان. Чунки мактаб менга илм олиш машаққатларига кўнликма, кучли билим билан бирга ишонч ва кенг танлов имконини ҳам берди. Нафақат мақсадларим сари интилдим, балки мамлакатнинг энг иқтидорли ёшлари жамланган, рақобатбардор академик муҳитда чиққимди. Ихтисослаштирилган мактаб-интернатимиздаги 52 битирувчининг ҳар бири ҳақиқий етакчидир. 12 тендосшим энг юқори — 189 баллик натижани қайд этган. 15 нафари 170 дан юқори баллга эга. Қолган барча ўқувчиларнинг эса камида 1 тадан халқро ёки миллий сертификати бор. Мана шундай кучли илм майдонида ўқиш ва улар орасида етакчилардан бири бўлиш мен учун ҳам фахр, ҳам улкан рағбатдир.

Ўзим орзу қилган касб эгаси бўлиб, таълим берган устозларим ва халқимизнинг ишончини оқлаш учун бор билимимни сарфлайман. Ўзим каби мустақил ҳаёт остонасида турган барча ёшларга билим олишда давом этишни, ўз касбининг устаси бўлиш учун ҳаракатдан тўхтамасликларини тилаб қоламан. Зеро, бизни ватан кутяпти.

ТАЪЛИМДАГИ ХАЛҚЧИЛ ИСЛОХОТЛАР ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИНИ ЎЗГАРТИРМОҚДА

Мамлакатдаги ангиланишлар шиддат қанча кучли бўлса, жамиятга шунча тез ва оммавий таъсир қилади. Янги Ўзбекистонда илм-фанга катта эътибор берилмоқда. Ислохотлар қўламдорлиги ва халқчиллиги бос, ёшлар орасида ўқиб-ўрганишга рағбат тобора кучайиб, катта ютуқларимиз кўпайиб бормоқда.



Парвоз

Яқинда Навоий шаҳридаги 4-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Мухаммадали Юсупов инглиз тилидан В2 даражасидаги сертификатни қўлга киритди. Эътиборлиси, Мухаммадали бу натижага илк уринишдаёқ эришди. Қаҳрамонимизнинг отаси Алишер Рўзиев Навоий кон-металлургия комбинатида дастурчи, онаси Шохсанам Ҳасанова эса уй бекаси.

— Ўғлимнинг хорижий тилларни ўрганишини истган эдим, — дейди Шохсанам Ҳасанова. — У 3 ёшдан бошлаб рус тилини, 5 ёшида инглиз тилини ўргана бошлади. Фарзандларимиз бўш вақтида спорт билан шугулланади, тил ўрганади. Қолаверса, дарсларига ҳам жиддий қараймиз. Ҳозир 6 ёшли қизим ҳам рус тилида ўқиб, ёзишни билади. Унга акиси ёрдам беради. Ўқиш учун боланинг иштироки ва ҳаракат бўлиши лозим.

Албатта, таълим фарзанд тарбияси ва камолотида муҳим пойдевор. У қанчалик мустаҳкам бўлса, натижалар ҳам юксак бўлади. Навоий шаҳридаги 4-мактаб умумтаълим фанларини ўқитиш, турли тўғарақларни юритиш, чет тилларни ўргатиш бўйича ўқувчиларни юксак ютуқлар сари етакламоқда. Мактабнинг 2-синф ўқувчиси Мухаммадали Юсупов ҳам шу эътибор, таълим сифатини ошириш йўлида бажарилаётган ишлар натижасида рекорд натижани қайд этди.

— Мактабимизда 2700 дан зиёд ўқувчи бор, — дейди Навоий шаҳридаги 4-мактаб

директори ўринбосари Нигора Абдиева. — Ҳозир битирувчиларимизнинг 95 фоизи миллий сертификатга эга. Бундан ташқари, 2 ўқувчимиз CEFR, IELTS халқро сертификатларини олиб, 1400 дан зиёд балл тўплади. Ўқувчиларимиз фан олимпиадаларида ҳам юқори натижаларга эришмоқда. Шунингдек, енгил атлетика, самбо ва каратэ бўйича тўғарақларга қатнаб, турли мусобақаларда ютуқларни қўлга киритмоқда. Мухаммадали Юсуповнинг муваффақияти бутун мактаб жамоасини қувонтирди. Унинг юксак натижаси тенгдошлари ва бошқа синф ўқувчиларини руҳлантирди.

Мактабнинг ўқув биналари тубдан янгиланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Муҳими, мактабда “Сифатли таълим — келажак пойдевори” ширси остида тизимли ишлар йўлга қўйилган. Шунингдек, мактабга хорижлик ўқитувчи ҳам жалб этилган.

— Филиппиндан келиб, ушбу мактабда 6 йилдан буён инглиз тилидан дарс бераётган, — дейди хорижлик ўқитувчи Понг-геро Герогаем. — Доим ўқувчиларни қўлаб-қувватлаб, йўл-йўриқ кўрсатишимиз керак. Шунда улар ҳаётда ўз ўрнини топиш, халқро майдонда рақобатлашишга қийналмайди. Ўрганиш муҳаббатдан бошланади. Агар ўқувчиларим инглиз тилини яхши кўрса, ўрганишга табиий равишда интилади. Шу боис, уларнинг чет тилини ўрганишга

натижаларга эришиш мумкин, — дейди Шаҳзод Бобоназаров. — Баъзан кичик синфдаги ўқувчилар ўзидаги қобилиятини кўрсата олмайди. Бунда ота-оналар ва ўқитувчиларнинг қўлаб-қувватлови жуда муҳим. Беш йилдан бери инглиз тилидан дарс бераман. Мухаммадалининг натижаси фаолиятимдаги энг яхши кўрсаткич бўлди. Саккиз ёшда шундай сертификатни қўлга киритиши мамлакатимизда эътироф этилди. Ҳозир 100 га яқин ўқувчи қўшимча машгулотларимда қатнашапти. Утган йили 80 фоиз ўқувчимиз юқори натижаларга эришди. Шоғирларимиз Италия ва Малайзияда бўлиб ўтган халқро олимпиадаларда юқори ўринларни эгаллади.

Навоийлик ўқувчиларнинг натижаси тез-тез эътироф этилмоқда. Яқинда Қизилтепа туманидаги “Парвоз” хусусий мактабнинг 8-синф ўқувчиси Дилбар Абдусамодова халқро SAT имтиҳонидан 1430 балл тўплади. Инглиз тилидан В2 даражали сертификат олиб, муддатидан олдин талаба бўлди. Шу мактабнинг 11-синф ўқувчиси Суҳроббек Собиров халқро SAT имтиҳонидан 1390 балл, 10-синф ўқувчилари Валижон Обидов ва Бехзод Фарҳодов халқро SAT имтиҳонидан мос равишда 1340 ва 1260 балл олиб, муддатидан олдин талабалikka эришди.

Утган йили олий таълим муассасаларига кириш ўртача бали бўйича Зарафшон шаҳри мамлакатимизда 1-ўринни эгаллаган бўлса, Қизилтепа тумани вилоятида 1-ўринни қайд этди. Шу билан бирга, вилоятда 10 та мактабнинг 100 фоиз битирувчиси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди. Битирувчиларнинг 309 нафари хорижий транларни қўлга киритиб, нуфузли 1000 талиқдаги ОТМларга қабул қилинди. Яна 105 битирувчи етакчи 100 талиқдаги хорижий олий таълим муассасаларида ўқиш имконига эга бўлди. Буларнинг барчаси таълимдаги ислохотлар шиддат билан кенг қамровда давом этаётганини кўрсатади.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ишга киргандан кейин, шунда ҳам узок йиллар давомида бу касб ўзига яраша машаққатли ва шарофли эканини англаб етганман, — дея хотирлайди Парвоз Элмираев.

Ўқитувчи билим, маърифат улашувчи, инсонларни эзгулик ва бунёдкорликка чорловчи маёқ кабилдир. Биланларини ёш авлодга ўргатишдан унинг кўнгли осмон каби юксалади. 50-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Парвоз Элмираев ҳам ана шундай саодатманд, фидойи педагоглардан.

— Ўқитувчи сифатли таълим-тарбия беришдан бошқа ўй-ташвишларини мактабга етаклаб келмаслиги керак, — дейди у. — Ўқувчиларим билан доим самимий гап-лашарга ҳаракат қиламан. Тўғри, бир оз қаттиққўллик бор. Ўқувчининг яхши натижага эришиши интилиши билан бирга оилада олган тарбиясига ҳам боғлиқ. Бунга таърибамда кўриятман. Агар бола тарбияли бўлмаса, кутилган натижага эришиш қийин. Шу боис, таълим ва тарбияни бир-биридан асло ажратиб бўлмайди. 9-синфни тамомлаган, ўқувчиларни саралаймиз. Касб-хунарга қизиқувчиларни ўрта махсус таълим муассасаларига йўллаймиз. Олий таълимда ўқишни давом эттириш ниятидагиларни олиб қоламиз. Шу боис, ўқувчиларимизнинг олий ўқув юртиларига кириш кўрсаткичи юқори.

Тоғ этагидаги жойлашган Равот қишлоғида 25 йилдан бери болаларга сабоқ бериб келаётган Парвоз Элмираев утган йили Президентимизнинг тегишли фармонига қўра, “Шухрат” медали билан тақдирланган. Бу юксак рағбат уни янада янги зафарларга ундади.

— Давлатимиз раҳбари утган йили ўқитувчи ва мураббийлар билан ўтказган учрашувда иштирок этгандим. Унда таълимдаги ютуқлар билан бирга камчиликлар хусусида ҳам сўз юритилди. Йиллар давомида ўқитувчи ўз соҳасидан кўра бошқа ишларга жалб этилгани, қадди ва қадри тушиб кетгани таъкидлаб ўтилди. Энди бу борада янги ислохотларга юз буришимиз шарт экани айтилди, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ўша

Акбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Камолот пиллапояси

“СЎЗ” КАДРИ

Рақамли дунёда туйғулар жанги



Дадахон МУҲАММАДИЕВ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Бугунги шиддатли замонни кузата туриб, баъзан вақтнинг қандай учиб ўтаётганига ҳайрон бўласан. “Авваллар ҳам бир суткада 24 соат яшаганмикан ё уларда вақт кўпроқ бўлганми?” деб ўйлаб қоласан. Виртуал олам, рақамли технологиялар, сунъий интеллект қуршовида яшаймиз. Ахборот оқими шу қадар тезки, енгил-елпи кўнгилоҳар нарсалар онгимизни эгаллаб олмоқчидек гўё.

Бироқ ана шу техника-технология асрида ҳам одамзод барибир юракни титратадиган, руҳга озуқа берадиган асл санъатга, сўзга эҳтиёж сезар экан. Мен негидир минг йилдан кейин ҳам шундай бўлишига ишонман — сунъий интеллект қанчалик ривожланмасин, одамнинг тафтини барибир фақат одам олади. Ҳозирги авлод китоб ўқимайди, шеър эшитмайди, адабиёт халқдан узоқлашиб кетди деган янгилик фикр пайдо бўлди. Ҳа, янгилик фикр! Гўё занжирланган эшикнинг қулфини очолмай ҳалак бўлган, аслида, эшик қулфланмагани ва унга шунчаки бир тегиб кўриш кераклигини билмаган одамга ўхшаймиш. Сунги йилларда содир бўлаётган адабий ҳодисалар, айниқса, бир ташаббус бу эшикни силтаб очди. Бу — Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан йўлга қўйилган, бугун катта маънавий ҳаракатга айланган “Сўз” лойиҳасидир.

самимий шеърятнинг овозини баланд кўтарди. Халқнинг сўзга чанқоқлиги рақамли дунёда ҳам яққол намоён бўлди.

Учта катта қадам

Бу ҳаракат жонли мулоқот майдони, катта сахналарга чиқиши керак эди ва шундай бўлди. Лойиҳа доирасида шу вақтгача пойтахтда учта йирик шеър-концерт дастури ташкил этилди. Уларнинг ҳар бири адабий муҳитда ўзига хос ёндашувлар билан эсда қолди.



Аслида, ҳар қандай йирик лойиҳанинг тақдир ва келажаги унинг энг биринчи ташлаган қадамига, илк тақдиротига боғлиқ бўлади. Агар дастлабки қадам суст ёки ишончсиз чиқса, кейинги ҳаракатларнинг омалашishi қийин кечади. “Сўз” лойиҳаси ўша биринчи катта қадамни дадил ва муваффақиятли ташлади. Илк шеър-концертдаёқ ёшлар орасида машҳур, умидли ва ўз овозига эга шоирлар лойиҳага жалб этилди.

Шундан сўнг лойиҳа мантикий изчилликда давом этди: иккинчи концерт буюк мутафаккир боболаримиз Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд



“So’z”da YALDO KECHASI

айёмларига бағишланган бўлса, учинчи концерт Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайридин Султоннинг “Ялдо кечаси” асари атрофида қурилди.

Иккинчи шеър-концерт маҳоратли режиссёр Сайфиддин Мелиев томонидан сахналаштирилди. Залда бўш жой қолмаган, қанча томошабин тик оёқда туриб, шеър эшитарди. Саҳнанинг ортида туриб, ўзимизнинг ҳам томоша қилгимиз келгани рост. Энинг катта шоирлари Йўлдош Эшбек, Нодира Афоқова, Зебо Мирзо, Наргиза Одинаева билан бир дастурда шеър ўқийётганимиздан гурурланиб ўтирдик.

“Бинафша”, “Кўнги” каби қўшиқлар, маҳоратли создаларнинг ҳар битта шеърга, ҳар битта чиқишга жўр бўлиши залда ўзига хос унутилмас кайфият яратди. Саҳнада жадид боболаримизнинг сиймолари, устозларимиз ўнгитлари ва бугунги авлоднинг дадил сўзлари уйғунлашиб кетди. Энг қизиги, концерт якунлангани, дастур тугагани айтилмагунча ҳеч ким жойдан қўзғалмади, одамлар зални тарк этгиси келмай, ижодкорларни тик туриб узоқ олқишлади...

“Ялдо кечаси”

Лойиҳанинг учинчи йирик дастури мамлакатимиз адабий ҳаётида катта воқеага айланган, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайридин Султоннинг “Ялдо кечаси” романи атрофида қурилди. Мазкур тадбир фақат китоб тақдироти эмас, балки миллат хотираси, йўқотилган жадид авлоди фожиаси ва бизнинг улар олдидаги қарзимиздан сўзловчи адабий-маърифий кечага айланди.

Тақдироти кузата туриб, асарнинг маҳоратли режиссёр қўлига тушиши қандай ноёб ҳодиса эканига яна бир бор амин бўлдим. Сценарий муаллифлари романининг умумий руҳиятидан келиб чиқиб, Нажмиддин Турон, Мадина Норчаева, Шаҳриёр Шавкат, Нозима Ҳабибуллоева ва Рашид Хўҷамов каби ижодкорларнинг шеърларини асар воқеалари билан шундай пухта ва уйғун ҳолда боғлагани, натижада ахлит бадийий тизим, композиция юзага келган.

Саҳнадаги ҳар бир деталь — шамдонлар, занжирларга ўралган қўндалар, қизил мато устидаги совуқ ойболта, давр либослари ва экрандаги тарихий лавҳалар асар гоёсини

очишга хизмат қилди. Айниқса, саҳна четида осылган беш рангли матонинг гоҳ Туркистон мухторияти даврини, гоҳ шўрларнинг оғир йилларини ва ниҳоят, мустақил Ўзбекистон байрогини акс эттириб, рангини ўзгартириб туриши томошабинда кучли руҳий таассурот уйғотди. Саҳнадаги ака-уканинг фирқавий бахслари, қўрбошлар ва жадидларнинг суҳбати, театр актёрлари ижросидаги Едгорбек, Озодбек, Одилбек ва Ойинса қўрбоши сиймолари бизни ўша давр фожиалари билан юзма-юз келтирди.

Шеър ва драматик чиқишларга ҳамнафас тарзда ўқиб этилган “Қаргалар учса, қарайлик” кўшигининг юракни ларзага солувчи янги талқини ҳамда Абдулла Қодирий сатрлари билан айтилган “Йиллар” кўшиги кечага ўзгача бадийий руҳ бағишлади. Концерт давомида зал шу қадар сукунатга чўмдики, худди жами томошабинлар сўз сеҳрига шўнгиб кетгандек эди. Телефонга, гаджетларга боғланиб қолган бугунги авлоднинг қалбига тўғри ёндашув орқали асл адабиёт билан кириб бориш мумкинлигининг яққол исботи ҳам шу бўлди аслида.

“Сўз” лойиҳаси бир неча фидойиларнинг ташаббуси сифатида бошланиб, қисқа муддатда муҳим маънавий дастурга айланди. Яқинда Республика Маънавият ва маърифат марказида ўтказилган “Сўз” лойиҳаси ижодкорлари билан учрашувда лойиҳани сифат жиҳатдан янада яхшилаш, мавзулар қўламини кенгайтириш ҳақида таклифлар, муносабатлар, бахслар бўлди. Лойиҳа энди янги босқичга кўтарилади. Ушбу адабий ҳаракат фақат пойтахт залларида чекланиб қолмайди.



Ҳафталик

ИШОНЧЛИ АХБОРОТ ВА КРЕАТИВ ЁНДАШУВЛАР УЙГУНЛИГИ

Фаргона шаҳрида бўлиб ўтган медиа ҳафталик давомида қарашлар ва имкониятлар бир мақсад йўлида бирлашди. Булар журналист имижига, миллий контент, пиар, хайп, тренд, таҳдид ва обуна каби масалалардир.



Президент Администрацияси ҳузуридаги ОАВ учун контент тайёрлаш маркази, Ёшлар ишлари агентлиги ва Фаргона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ҳафталикда вилоятдаги босма оммавий ахборот воситалари ходимлари, тележурналистлар, операторлар, ахборот хизмати вакиллари, блогерлар ҳамда соҳага қизиқувчи ёшлар иштирок этди. Ҳафталик малакали экспертлар томонидан олиб борилган, замонавий медиа оламининг долзарб йўналишлари, соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимлари, бугунги журналистикага қўйилаётган талаблар ҳамда тажриба ва маҳорат уйғунлигига асосланган амалий машғулотларга бой бўлди.

омирларга амал қилиш лозимлиги, интернет ва босма нашрлардаги мақолаларнинг фарқи, уларни аудиторияга етказиб бериш услублари ҳамда кадрлар малакаси хусусида ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашишди. Босма нашрларни янада ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича муҳим жиҳатлардан



хабардор бўлди. Бу ерда ўрганган билим ва кўникмаларимиз келгусидаги иш фаолиятимиз самарадорлигини оширишга, илгор тажрибаларни амалиётда кенг қўллашга имконият яратди.

Ҳозирги кунда ҳар бир янгиликни ахборот майдонида етказишда энг илгор технологиялардан унумли фойдаланишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Мазкур жиҳатлар инobatта олинган ҳолда иштирокчилар аудитория билан ишлаш кўникмаси, газета дизайни ва маркетинг, замонавий журналистиканинг янги аналари, таҳрирларнинг ахборот билан ишлаш маҳорати, медиаимиж яратиш, тезкор ва таъсирчан контент тайёрлаш бўйича ҳам зарур амалий билимларга эга бўлди.

— Самимий ва очик мулоқотларга бой машғулотлар соҳадаги ютуқ ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқариш, маҳорат ҳамда тажрибалар билан ўртоқлашиш майдонида айланди, — дейди “Фаргона” телеканали бош режиссёри Камолдин Турдалиев.

— Ижодкорларнинг ёши ва қарашлари турлича бўлса-да, мақсад бир — ахборот майдонида тезкор, холис ва тўғри маълумот етказиб бериш. Амалий жараёнларда бу борадаги билим ва кўникмаларимизни ошириш, хусусан, фаолиятда асосан нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида керакли маълумотларга эга бўлди.

Мулоқот давомида маълумотнинг ҳаққонийлиги, холислиги ва шаффофлигини таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Айни жараёнда инсон қадр-қиммати ҳамда шахсий ҳаёти дахлсизлигини ҳурмат қилиш каби масалалардаги ўзига хос ёндашувлар бўйича атрофлича фикр алмашишди.

— Журналист ҳар қандай ахборотни, биринчи навбатда, истемолчи сифатида қабул қилиши ва уни текшириб кўриши зарур, — дейди журналист Алишер Шокиров. — Айрим ҳолларда рост ахборотларга нисбатан ёлгон хабарлар тезкор ва кенроқ тарқалаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Бу эса оммани, тинчловнинг чалғитида. Ушбу жараён журналистлардан алоҳида маҳорат талаб қилиб, замонавий техника ва технологиялар билан ишлашни пухта эгаллашни тақозо этади, албатта. Машғулотларда айнан шундай вазиятларда нималарга эътибор бериш, ахборотни қандай усулда тезкор ва тўғри етказиб бериш борасида маҳорат дарслари ўтказилгани айни муддао бўлди.

Амалий машғулотларда расмий манбаларни аниқлаш, миллий медиа-контент тайёрлаш ва фактчекнинг тажрибасини амалиётда қўллаш йўналишлари қамраб олинди. Шу билан бирга, мобилрографлар, SMM мутахассислари, вайнерлар, видеомонтажчилар ва фотомухбирлар иштирокида ҳам махсус назарий ҳамда амалий машғулотлар ташкил этилди.

— Барча йўналишлардаги иш услубига тез мослашиш, ҳуқуқий ва иқтисодий билимларга эга бўлиш, қолаверса, касб этикаси ва одобига алоҳида эътибор қаратиш зарур, — дейди медиаэксперт Икром Авазбойев. — Бу жараёнда мультимедиа имкониятларидан фойдаланиш, мақолага сарлавҳа таллаш маҳорати ва қисқа сонияларда ўқувчи ёки томошабин эътиборини жалб қила олиш кўникмасига эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Миллий контент яратишда шунчаки шов-шув кўтариш эмас, балки жамият манфаатига хизмат қилувчи ва муаммолар аниқ ечим берувчи мукамал ижодий маҳсулот яратиш асосий мақсад бўлиши лозим. Сабаби, тезкор ахборот майдонида халқнинг тўғри ва холис етказиш, ҳар қандай ийбликни барна томонлар манфаатини инobatта олган ҳолда таҳлил қилиш ҳамда уни аудиторияга таъсирчан усулда тақдим этиш энг муҳим вазифалардан биридир.

Мазкур лойиҳа фарғоналик медиа-ижодкорлар учун ўзаро мулоқот майдонида янги имконият эшикларини очди. Медиа ҳафталикда фаол иштирок этган ижодкорларга сертификатлар топширилди. Фарғоналик санъат усталари ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар эса тадбирга янада кўтаринки кайфият бағишлади.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири (Шерзод Қорабоев олган суратлар).

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДМ
Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-546.
30761 нусxada босилди.
Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Боборован Гозиддинов
Мусахҳиж: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев
Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
ЎЗА якуни — 01:05 Топширилди — 02:25